ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

ВЕТЕРИНАРИЯ, ЗООТЕХНИЯ ВА ҚОРАКЎЛЧИЛИК ФАКУЛТЕТИ

5621200 –Қоракўлчилик таълим йўналиши

**МАМАРАҲИМОВ СОҲИБЖОННИНГ**

# БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**МАВЗУ: ҚОРА РАНГЛИ ҚЎЗИЛАР РАНГИНИНГ ТЎҚ-ОЧЛИГИ ВА УЛАРНИНГ БОШҚА БЕЛГИЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ.**

Илмий рахбар, доцент ____________________ А.И.Инаятов.

“Яйлов чорвачилиги ва ҳайвонларни озиқлантириш технологияси” кафедраси мудири, қ.х.ф.н., доцент ______________ Б.С.Яхяев

№ ___ - сонли йиғилиш баёни

« ___ » __________ 2014 йил

Ветеринария, зоотехния ва коракўлчилик факултети декани, доцент _______________ Н.Фармонов

№ ___ - сонли йиғилиш баёни

« ___ » __________ 2014 йил

САМАРҚАНД – 2014



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

**МУНДАРИЖА.**

**Кириш....................................................................................................3**
**I. Адабиётлар шарҳи.....................................................................................8**
**II. Хўжаликнинг қисқача тарихи....................................................................25**
**III. Танланган мавзу бўйича муаммоларнинг қўйилиши ва қўлланиладиган услубиётлар.................................................................41**
**IVАсосий қисм.........................................................................................43**
**4.1. Мавзунинг ечими ва унинг ёритилиши....................................................43**
**4.2. Тирик вазни..........................................................................................44**
**4.3. Тери тўқимасининг қалинлиги................................................................44**
**4.4. Тери тўқимасининг зичлиги....................................................................45**
**4.5. Тери запаси (захираси). .........................................................................47**
**4.6. Жун толасининг узунлиги.......................................................................48**
**4.7. Жун қопламининг қалинлиги...................................................................49**
**4.8. Ипаксимонлиги.......................................................................................50**
**4.9. Ялтироқлиги...........................................................................................51**
**4.10. Майли-тери...........................................................................................52**
**4.11. Ҳар-хил шаклдаги гулларнинг ўзаро нисбати..........................................52**
**4.12. Гул ўлчами............................................................................................53**
**4.13. Қаламгулларнинг эни.............................................................................54**
**4.14. Қалам гулларнинг узунлиги бўйича бўлиниши.........................................55**
**4.15. Қаламгулларнинг ўртача узунлиги.........................................................56**
**4.16. Гулларнинг мустаҳкамлиги....................................................................57**
**4.17. Расмининг (нақшининг) аниқлиги...........................................................58**
**4.18. Қаламгулларнинг жойлашиш тартиби.....................................................59**
**4.19. Бош қисмининг гуллар билан қопланиш даражаси...................................60**
**4.20. Қора қоракўл қўзиларнинг барра типи ва класлари.................................61**
**4.21. Класллари..............................................................................................62**
**V. Муаммонинг ечимидан кутилаётган иқтисодий кўрсатгичлар..........63**
**VI. Ekologik масалаларнинг ёритилиши, hayot faoliyati va texnika xavfsizligi..................................................................................................64**
**Хулосалар..................................................................................................68**
**Ишлаб чиқаришга амалий таклиф ва тавсиялар.......................................70**
**Фойданилган адабиётлар рўйхати............................................................71**
**Иловалар....................................................................................................75**



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

## КИРИШ

Давлатимиз раҳбари Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутуқларида қишлоқ хўжалигидаги кенг қўламли ислохатлар, ҳаётга замонавий ахбарот – коммуникация технологияларни жорий этиш. Қишлоқ жойларда намунавий лойихалар асосида уй – жойлар барпо этиш, худудлар инфратузилмасини ривожлантириш ва ижтимоий обектлар барпо этиш сингари кенг қўлламли масалалар бўйича Республикамизда амалга оширилган ишлар ва бу борадаги вазифалар атрофлича тахлил қилиб бердилар.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари каби, чорвачиликни ҳам юқори кўрсатгичларга кўтарилиши олдимизда турган асосий вазифалардан биридир. Мамлакатда етиштирилаётган гўштнинг 94%, сутнинг 96%, хусусий сектор ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 – сентябрда қабул қилинган "Ветеринария тўғрисидаги, 1995 йил 21 – декабрда қабул қилинган" Наслчилик тўғрисидаги қонунлари чорвачилик тўғрисидаги қонунлар чорвачиликни ривожлантиришида муҳим ахамятга эга бўлди.

Республика Вазирлар Махкамасининг 1993 йил 15 – мартдаги Республика Чорвачилигида иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш чора – татбирлар тўғрисидаги 1994 йил 23 – февралдаги "Чорвачиликни иқтисодий ислохатларни такомиллаштириш хамда дехқон, фермер хўжаликлари ва хусусийлаштирилган фермер манфатларини химоя қилиш чоралари тўғрисидаги, 2006 йил 23 – мартдаги "Шахсий ёрдамчи", дехқон ва ферме рхўжаликларида чорвамолларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора – татбирлари" тўғрисидаги қарорлари еса сохани тарақий еттириш жараёнида асосий дастур бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 – мартдаги "Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермерхўжаликларида чорвамолларини



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

кўпайтирилиши рағбатлантириш чора тадбирлари тоғрисидаги ПҚ – 308 қарори иккинчи бандига асосан маъқулланган 2006 – 2010 йиллар даврида шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларидаги чорва молларини биринчи навбатида қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастурида еса шу мақсаддан келиб чиқиб, қуйдаги вазирлар белгиланган:

2010 – йилда қорамоллар сонини 2005 – йилдаги нисбатан шахсий Ёрдамчи ва дехқон хўжаликларида 40,2 % ёки 2422.5 минг бошга кўпайтириб 8450 минг бошга фермер хўжаликларида 98 % 655 минг бошга етказиш;

“Соғлом бола  йили”  Давлат дастури тастиқлансин.  Унда қуйидагилар асосий вазифалар этиб белгилансин.

Болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилишга, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустахкамлашга қаратилган меъёрий – ҳуқуқий  базани такамиллаштириш, амалдаги қонунчилик хамда меъёрий хужжатларга замон талабларига мос ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

“Соғлом бола” дастурини изчил амалга ошириш асосида соғлом авладни вояга етказиш борасидаги чора-тадбирларни янада кужайтириш, оналар ва болаларнинг репрадуктив саломатлигини мухофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, прафилактикага асосланган соғликни сақлаш тизимини устивор ривожлантириш, тиббий хизмат моддий – техника базасини мустахкамлаш, соғлом болалар туғилиши ва уларни тарбиялаш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахоли ўртасида тушунтириш ҳамда маслахат ишларини кучайтириш:

Тайёрланаётган мутахассисларга риал иқтисодиёт тармоқлари ва сохаларидаги мавжуд талабга алохида етибор қаратилган холда, ўсиб келаётган ёш авлодга таълим ва тарбия бериш сохасидаги моддий – техника базасини янада мустахкамлаш, ундан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, давлат таълим стандартлари, ўкув дастурлари ва ўкув – услубий адабиётларни такомиллаштириш:



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

Таълим жараёнига янги ахборот – коммуникация ва педагогик технологияларни, електрон дарсликлар, мультимедиа воситаларини кенг жорий етиш орқали мамлакатимиз мактабларида, касб – ҳунар коллежларида, лисейларида ва олий ўқув юртларида ўқиш сифатини тубдан яхшилаш, таълим муассасаларининг ўқув лабаратория базасини замонавий турдаги ўқув ва лабаратория ускуналари, компъютер техникаси билан мустахкамлаш, шунингдек, ўқитувчилар ва мураббийлар мехнатини моддий хамди маънавий рағбатлантириш бўйича самарали тизимни янада ривожлантириш;

Замонавий ахборот ва камуникация технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекомуникация алоқа воситалари хамда интернет тизимини янада ривожлантириш, уларни хар бир оила хаётига жорий етиш ва кенг ўзлаштириш;

Ёш авлодни жисмонан баркамол етиб тарбиялаш, болалар спортини ривожлантириш сохасида, ёшларни, айниқса, қишлоқ қизларини спорт мажмуаларини, стадионлар ва иншоотларни қуриш, уларни замонавий спорт анжомлари ва жихозлари билан таъминлаш, юқори малакали устоз ва мураббийлар билан мустахкамлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни изчил кучайтириш:

Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларига Зооветеринария ва бошқа сервис хизматлари кўрсатувчи инфратузилмалар тармоғини ривожлантириши мақсадида, беш йил давомида қўшимча 575 та зооветеринария шахобчадаги, 330 та сунъий уруғлантириш пунктлари ташкил қилиб, зооветеринария шахобчалари сонини 2343 тага сунъий уруғлантириш пунктлари сонини 884 тага етказиш;

Насилчилик хўжалик мақоми берилган фермер хўжаликларида хамда зотни яхшиланган қорамолларни кўпайтириш билан шуғулланган фермер хўжаликларида беш йил давомида 100,8 мингта насилли ва зоти яхшиланган мол етиштириб, уларни аукцион орқали шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларига сотилиши.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

Қоракўлчилик Ўзбекистон чорвачилигининг асосан фармонларидан бири бўлиб, кескин ўзгарувчан иқлим минтақасида жойлашган биноян сахро ва чўл худудларидан умумий фойдаланишда, кенг хўжаликнинг қоракўл териларга қўй гўшти ва сут, пўстинбоп қўй териларига, чарим ҳам ҳом ашёсига ва ширдонларга бўлган ехтиёжини қондиришда мухим аҳамятга егадир.

Мамлакатимиз янги бозор сиёсатига ўтиши муносабати билан ҳар бир тармоқнинг тўлиқ хўжалик хисобига ўтиши, ўз – ўзини маблағ билан таъминланиши муқаррар бўлиб қолди.

Мамлакатимиз азалдан қоракўл зотининг ватани хисобланиб, мазкур зот қўйларнинг бош сонига етиштирилаётган қоракўлнинг рангига кўра жаҳонда етакчи ўринни егаллаб келмоқда.

Қоракўл теридан келадиган даромад, ватанимиз хазинасига валюта келтирмоқда.

Бироқ, катта имкониятларга ега мазкур соҳа бироз оқсай бошлади.Чунки қоракўлчилик хўжаликларининг имкониятлари ва ички резервларидан тўлиғича фойдаланилмоқда. Келажакда соҳадаги камчиликларни тугатиш учун, қўйилган вазифаларни бажариш учун фан ва техника ютуқларидан кенг миқиёсида фойдаланиш, яйловлар хосилдорлигини ошириш, юқори даражага кўтариш, илғор технологияларни жорий етиш, иқтисодий қонунятларнинг талаблари асосида иш жараёнини бошқариш, малакали кадрлар тайёрлаш ва уларга яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиш, сотиладиган махсулотни ҳом – ашё сифатида емас балки, тайёр махсулот сифатида сотиш енг мухим вазифалардан биридир. Қоракўл терини жаҳон бозорига олиб чиқиш.Ўзбекистон қоракўлини бутун дунёга танишиш мақсадида белга куч – қувват, билим тажрибаларни ишга солиш.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

Тармоқни янада такомиллаштириш учун ёшлар бор куч – ғайратларни ишга солмоғи керак.“Ўзбекистон келажаги ёшлар қўлида”, деб айтган юрт бошимиз сўзларини оқлашимиз керак.

2014 йил Ўзбекистон Республикаси қарорида Қишлоқ хўжалигининг машинасозлик корхоналарини бошқаришни янада такомиллаштириш ва молиявий соғламлантириш чора – тадбирларини амалга оширишда қорхоналар фаолиятини бошқаришни уларнинг самарадорлиги ва ретабеллгини ошириш, саҳада ишлаб чиқароишни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, агросаноат комплекси учун замонавий, унумдорлиги юқори, ички ва ташқи бозорларида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш қаратилган сиёсатни амалга оширишни таклиф этган эдилар.

Ўз касбимизнинг ҳақиқий фидойилари бўлмоғимиз зарур. Хозирги кунда Ўзбекистонда жами қўй ечкилар сони 17.227.100 бошга етган шундан қоракўл қўйлар сони 3886800 бошга тўғри келади. Келгусида қўйлар бош сонини ошириш, гўшт масулотини кўпайтириш, жун ва қоракўл териларининг сифатини юқори даражага кўтариш олдимизга турган енг мухим вазифадир.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

## I. Адабиётлар шархи.

Қора рангли қоракўл қўзилар ранглининг пенгметациясига қараб 3 га бўлинади. 1) Тим қора. 2) Қора. 3) Қораси етарсиз.

Бу қўзилар ичида жун қоплами тим қора рангга эга бўлганлари жуда қимматли ҳисобланади, улар ўзининг табий рангини жуда узоқ муддатгача ўзгартирмай сақлаб тура олади. Қораси етарсиз жун қопламига эга бўлган қўзилар кам қимматли ҳисобланади ва уларнинг ранги тез ўзгариб кетади.

Қўзилар жун қоплами рангининг оч тўқлиги, толалар таркибидаги махсус модда пингметларнингмикдорига боғлиқдир.

Қоракўл қўзилар жун толасига ранг берувчи пигментлар оксиллар турига кирувчи меланин моддасидан иборатдир.

Меланин сўзи аслида “мелас” деган гречка сўздан олинган бўлиб “қора” деган маънони билдиради.

А.И.Инаятов (1986) фикрича, меланин бу цистиннинг тирозин билан бириетирувчидир, қора рангнинг ҳосил бўлиши цистин сероводород қисмининг тирозин билан қўшилмасига боғлиқ.

Бунда цистин қайта тикланиш хусусиятига эга. Қоракўл қўзилар жун қопламида пингметларнинг пайдо бўлиши жараёнинг биринчи марта К.Д.Очилов (1997) ва А.Муродов (2000) таърифлаб берган эди. Афторларнинг аниқлашича қора рангли қўзиларнинг терисида дастлабки пингметлар учинчи ойида вужудга кела бошлайди. Пингметлар мелоноцитлар ёки миланофорлар деб аталувчи ўсимтола махсус хужайраларда пайдо бўлиб, сўнгра улар билан ёнма – ён жойлашган бошқа хужайраларга ҳам тарқалади.

Мелноцитлар толанинг пиёзча қисмига тўпланган бўлиб, ўзларининг ишлаб чиқараётган пингменти билан ўсаётган хужайраларни бўяб туради. Қоракўл қўзилар жун толасига ранг берувчи меланин моддаси шаклига кўра донадор ва эриганпингметларга бўлинади.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

Н.П.Ролдугина (1976) таъкидлашича донадор пингметларнинг пўстлоқ қатламидаги хужайраларга тўпланган бўлиб, унинг устини эса эриган пингметлар қоплаб туради. Л.Лахонава(1999) таъкидлашича донадор ва эриган пингметларнинг иккаласи ҳам модда меланинни икки хил кўринишидир.

О.П.Фишенконинг тасдиқлашича, қоракўл қўзиларнинг жун толасида қора – жигар ранг меланин, қамбар гулигаз қўзиларнинг, шунингдек тилла сур қўзилар жун толасидаги учки қисмида оч-сариқ меланин ишқорий эритмада яхши эрийди, кислота билан ёпишқоқ моддага ўхшаш чўқма хосил қилади.

Н.П.Ралдугина (1964) қўзилар жун қопламининг таркибида икки хил: донадор ва эриган пингмент (меланин) мавжудлигини тасдиқлайди. Бу пингментлар турли рангдаги қўзиларда хар хил миқдордаги ва нисбатда учрайди. Авторнинг қайд қилишича, эриган пингмет, бошқалардан кўра, қамбар қўзиларнинг жунида кўп бўлди. Донодор пингмент эса қора қўзиларда  кўп бўлиб, сур қўзиларда улардагидан кўра камроқдир.

М.Х.Арслановнинг (1971) текшириш натижалари шуни кўрсатадики, қўзининг турли қисмларидаги жун толасида шунингдек толанинг турли турли қисмларида меланиннинг миқдори ҳар хил бўлади. Энг кўп меланин тола пиёзчасининг таркибида мавжуд эканлиги аниқланган. Бинобарин меланин энг кўп туклаган жой тола пиёзчаси ҳисобланади.

Авторнинг маълумотига кўра, турли барра типидаги қўзилар жун қопламининг таркибида меланин миқдори турлича бўлади. Жакет барра типидаги қўзилар жунининг таркибида 16,9%, меланин бўлгани ҳолда, ясси барра типидаги қўзиларникида эса 16,6% ни ташкил қилади, қовурғасимон барра типида 16,0% ни ташкил қилади ва кавказ барра типидаги қўзиларникида эса 15,8% ни ташкил қилади. О.П.Фишенконинг (1968) маълумотига кўра тўқ қора қўзилар жун қопламининг таркибида 14,6% меланин мавжуд бўлса, ўртача қораларникида 13,5% ва оч қора қўзиларда



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

12,5% меланин бор.Бундай маълумот О.А.Салаватов тадқиқотларида ҳам тасдиқланган.

В.Х.Солиевнинг (1972) ёзишича кавказ барра типидаги қўзиларнинг жун қоплами жуда тез, ясси барра типидаги қўзиларники жуда секинлик билан қўнғирлашади.

С.М.Маматов (1972) ёзган эди. “ Буғозлик даврида барча хил қоракўл типидаги совлиқларни тирик вазни то январ ойигача сезиларли даражада ошиб борди. Совуқ тушиб, ёғингарчилик бошланиб, яйлов озуқасининг сифати ёмонлашгандан кейин қўйлар, айниқса ясси ва қовурғасимон типидаги совлиқлар анча ориқлаш ҳолида” деган эди. М.Ж.Зокиров ва бошқалар (1999) тажриба ўтказиб қуйдаги маълумотларни олганлар. Жакет ва қовурғасимон типидаги урғочи қўзилар янги туғилганда ривожланиши ва тирик вазни жиҳатдан ўртача (оралиқ) ўрнини эгалладилар ( 3,85+ 0,21 ва 3,67+0,14 кг ), кавказ типдаги қўзилар уларга нисбатан йирикроқ ( 4,12+0,19кг), ясси типидаги қўзилар эса ушоқ (3,15+0,12 кг) бўлиб чиқди. Йирик жингалакли жакет типдаги урғочи қўзилар ривожланиши ва тирик вазни жиҳатдан нисбатан ўртача (4,21+0,17кг). Кавказ типидаги қўзилар йирик жингалаклиси (4,51+0,21кг), қовурғасимон типидаги қўзилар ўртача (4,08 +0,14кг) ва ясси типдаги ушоқ (3,87+0,13 кг) бўлиб чиқди, бу маълумотлар статистик жиҳатдан ишончлидир.

С.Ю.Юсупов (2001) бирор белги бўйича деб ёзган эди системали равишда бир хил танлаш ва саралаш турли вақтлар билан ьирга қўшилиб мазкур ҳайвонлар наслини, уларнинг ўзи босиб ўтган йўналишда ўзгаришга мажбур этувчи асосий сабабларидан бири бўлиб хизмат қилади. У фенотип бўйича танлашнинг самарадорлиги фенотипига кўра яхши ҳисобланган ҳайвонлар орасида яхши генотиплар анча кўп учрайди, деган тасаввурга асосланади.

М.Ж.Зокиров ва С.Ю.Юсупов (1997) тажрибасига келтирувчи “энг яхши генотипларини энг яхши фенотиплар орасидан излаш керак” деб тавсия



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

этган. Қониқарсиз боқиш ва асраш шароитида ўстирилган ҳайвонлар орасида яхши ирсий нишоналарга эга бўлганлари кам учрайди. Фенотип кўпинча генотипига мос келмаслигининг сабаби ҳайвонларнинг яхши боқилмаслигидадир. И.Н.Дьячков (1980) шундай деб ёзган эди. “ У ёки бу сифатлар бўйича жуда яхши ирсий сифатларга эга бўлган ҳайвонларни кўпинча боқиш, асраш, парвариш қилиш вабошқа шароит ёмон бўлганлиги сабабли ўз сифатларини юзага чиқараолмайди ва шунинг учун улар ёмон ирсий нишоналарга эга бўлган, аммо яхши боқилган ва асраладиган ҳайвонларга нисбатан заифроқ кўринишга эга бўлиши мумин”.

Ч. Дарвин табий шароитда энг яхши индивидлар яхшилаш учун курашадиган яшовчанлик белгисига қараб танланади,деб кўрсатган эди. Ташқи муҳитга энг яхши мослашган ҳайвонлар яшовчанроқ (чидамлироқ) бўлиб чиқади. Суъний танлаш эса хўжалик учун фойдали белгиларига қараб амалга оширилади, аммо бундан хонаки қўйларни урчитишда табий танланишнинг хеч қандай аҳамияти йўқ, деган маъно келиб чиқмайди. Маълумки, табий танланиш натижасида қўйларда турли белгилар ўртасида коррелеция- боғланиш (муносабат) ривожланади. Ушбу муносабатлар кескин бузилган тақдирда ҳайвоннинг ривожланишида нормадан четлашиш содир бўлиши ва яшашга ноқобил органзм вужудга келиши мумкин. Табий танланиш нормал ривожланган, яшашга қобилиятли мазкур экологик шароитга яхши мослашган қўзилар вужудга келиши ва яшаб кетишига ёрдам беради. Табий танланиш суъний танлаш билан биргаликда экологик конституционал ва завод типларининг вужудга келишига ижобий таъсир кўрсатади. Суъний танлаш ҳайвонга таъсир кўрсатиш ва янги формалар яратишнинг қудратли воситасидир. Танлаш қайси йўналишда олиб борилса, худди шу йўналишда зарур маҳсулотларига ва хўжалик биолигик хоссаларига эга бўлган ҳайвонлар вужудга келади. Танлаш жуда катта кучга эга. Қоракўлшуноснинг саънати селекция қилинаётган қўйлар гуруппасидаги ҳайвонлар органзмида юзага келган энг кичик ўзгаришларни ҳам пайқаб



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

олишдан иборат. Бу методик танлаш жараёнида янги наслда энг қимматли хоссалар ва белгиларини тўплаб, кучайтириб ҳамда мустаҳкамлаб бориши, юқори маҳсулдорлик сифатлари билан улар қилинадиган линиялар, оилалар, подаларни вужудга келтиришга керак бўлади. Ҳар қандай хўжалик – биологик белгининг ўзгариши - бу ажралган алоҳида ҳодиса эмас, у ўзгарган хоссалар билан коррелятив муносабатида бўлган белгиларнинг ҳам муқаррар суръатда ўзгаришга олиб келади. Нисбий ўзгарувчанлик қонуни селекциялар учун танлашнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун эксьтерери – конституционал ва маҳсулдорлик белгиларига қараб танлаш сунъий уруғлашда ишга методик ёндошиш бирлигини ташкил қилади. Аммо муттасил равишда бир ёқлама, бошқа белгиларни ҳисобга олмай, фақат махсулдорлик белгиси асосида танлаш қўйларнинг ёмонлашувига келиши, уларнинг конституцияси ва соғлигини зайфлаштириш мумкин (Валиев Р.Г. 1986)

Ирсийланиш (наслдан – наслга ўтиш) генетик тафовутлар билан боғлик бўлган умумий фенотипик ўзгарувчан ликнинг улушини ифодалайди. Белгининг ирсийланиш коэффициенти қанча паст бўлса, танлаш самарадорлиги шунча юкори бўлади. Белгиларнинг ирсийланиш коэффициенти (Х.Ф.Кушнер 1979 бўйича) бирнинг улушлари, қуйдагича бўлади: бир ёшлик чоғидаги тирик вазни -0,40 -0,61; тоза жун қирқилиш – 0,38 жуннинг майинлиги -0,57, жуннинг майинлик бўйича мувозанати (бир нотекислиги) -0,43 бундай типларнинг асосий наслий коэффициенти эса - 0,22 тенг бўлади деган эди.

Ўз сифатларини наслига яхши ўтказадиган юкори маҳсулдор наслдор қўчқорлардан доимий фойдаланиш билан бирга сунъий уруғлантиришни кенг қўллаш поданинг наслдорлик сифатларини қисқа муддат ичида анча яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш имконини беради. (А.А.Раҳимов 1967). Қоракўлчиликда наслдор қўчқорларни танлаш самарадорлигини В.М.Юдин ва бошқалар (1969) томонидан яхши кўрсатилган.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

В.М.Юдин қоракўл қўйларини саралашда учта завод қоидасига амал қилган:

Биринчи қоида: “Ўхшаш ўхшаш билан қўшилиб, ўхшаш беради” ёки “яхши билан яхши қўшилиб, яхши беради” ушбу қоидага мувофиқ, қўзилик чоғидаги бонитировка маълумотларига, катта ёшидаги ривожланиши, конституцияси ва экстеръерига, шунингдек, наслининг сифатига кўра энг яхши ҳисобланган қўчқорлар учун нормал даражада ривожланган, лекин келишилган жуссали ва мустаҳкамлаш конституцияси энг яхши элита ва биринчи класс совлиқлар саралаб олинади. Жуфтлар бир хиллаб – гомоген сараланганда сифатли насл кўп олинади.

Иккинчи қоидаси: “Ёмон яхши билан қўшилса яхшиланади” ушбу қоидага муовиқ, ёмон сифат ва барча хоссаларига ёки номатлуб белгиларга эга бшлган (масалан, ривожланиши, гавда тузилиши, конституция типи туғилган вақтида ёки қанча ёшида ёмон бўлган) қўйлар етуклик пайтида нормал ривожланган, келишган жусаси, мустаҳкам конституцияли, юқори сифатли насл берган элита ёки класс қўчқорлардан қочирилади. Шундай қилиб, сифатсиз ёки унга қимматли бўлмаган совлиқлар урчитиш учун қабул қилинган типдаги сифатли қўчқорлардан қочирилади. Бундай саралаш доимо олинадиган наслнинг яхшилаш шунга олиб келади.

Учинчи қоида: “Нотекис нотекис билан қўшилиб, текислашади”. Ушбу қоидага муофиқ, шундай тахмин қилинади, нозик конституцияли қўйларни мустаҳкам конституцияли қўйлар билан жуфтлаштириш текислашган (ўртача) мустаҳкамлаш типига яқин қўзилар олишга олиб келар экан. Аммо бундай саралашда хамиша кўзланган мақсадга эришилаверилмайди нуқсонли қўзилар сони ортиб боради. Шунинг учун гап жингалакларни йирик – майдалиги тўғрисида борганда С.Ю.Юсупов (2001) шу усули қўлланиш лозимлигини таъкидлаган. Маълумки, янги туғилган қўзилар жингалаклиги йирик – майдалиги уларнинг ривожланиши даражаси, конституцияси ва барра хоссалари билан боғлиқ бўлади. Шу сабаб жингалакларнинг майда



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

ёки йирик томонга ўзгариши ўртача жингалакликка нисбатан кўпроқ ходиса деб ҳисобланади. Шунинг учун майда ва йирик жингалакни совлиқларга ўртача жингалакли қўчқорларни саралаб қўшиш ҳар иккита ҳолда ҳам ўртача жингалакни қўзилар сони кўп бўлишига олиб келади. Қоракўлчиликда наслчилик ишини яхшилашдаги вазифа асосий маҳсулот ҳисобланган қоракўл тери етиштиришни кўпайтиришни тери сифатини тобора яхшилаш, ва зотни тобора такомиллаштириш, айниқса қора рангдаги ярим доирали гул жингалаклик жакет нав тери етиштириш мақсадида қўйларнинг қоракўл зотини тобора такомиллаштиришдан иборат. Наслчилик ишлари натижасида қоракўл териларнинг сифатини яхшилаш билан бирга асл зотли, яшаш шароитига мослашган қоракўл қўйларнинг сонини кўпайтириш лозим. Қоракўлчиликда насллик ишларида танлаш ва жуфтлаш усулларини етук молларни боқиш ва асраш, қўзиларни тўғри парвариш қилиш ҳамда наслли қўчқорларни талабга жавоб берарлик даражада ва етарли микдорда кўпайтириш вазифалари билан бир-бирига боғлаб олиб борилишига керак. Қоракўл терининг аъло сифатини, жингалакларининг ўртача ва майда гулларини, терисининг зичлигини ва юпқалигини сақлаш билан бир қоторда унинг сатхини катталаштириш ҳам наслчилик ишининг муҳим вазифаларидандир. Бу ишга аввало селекция ва наслчилик ишиданки, шунингдек завод типидаги қўйлардан тўғри фойдаланиш орқали эришилади. Хўжалик бошқариш усулларини такомилашиши ва дунё бозори талабининг ўсиши билан қоракўл зоти билан олиб бориладиган насл ишлари методикасининг такомиллашига ва ўзгаришга олиб келади.

Биринчи марта қоракўлчиликда илмий асосда ишларни юритиш системасини қоракўл қўзиларнинг гул ўлчамларини ва классларини хисобга олган ҳолда олимларидан М.Ж.Зокиров ва бошқалар ( 1999) зоотехника классификацияни ишлаб чиқдилар. Шу борада дунё бозорининг маълум келажагида қоракўл зотини такомиллаштириш, танлаш ва саралашнинг янги методларини ишлаб чиқаришни талаб қилди. Бу методик ишлаб чиқаришда



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

қалам гулларнинг типи ва формаси ҳисобга олиниб, асосий кўрсатгич қилибтериларнинг товар киймати олинди.

С.Ю.Юсупов (2005) томонидан янги туғилган қўзиларнинг барра типлари бўйича классификацияси ишлаб чиқилди.Қоракўл қўзиларни жакет, ясси, қовурғасимон ва ўсинқираган барра типларига бўлиниши ўзини оқлади, қоракўл қўйлар устида олил бориладиган насл ишларининг йўналишини белгилаб берди. Теридаги жингалакларнинг маълум шакллари гулларига, уларнинг қўзи терисида жойлашишига қараб қора рангли қоракўл қўйлари тўрт хил барра типга бўлинади. Терисидаги жингалаклари ярим доира шаклида бўлган типдаги (жакет типли) қўзилар, уларнинг терисида ярим доира ўаклда қалам ва дона гуллар мавжуд бўлиб, териси юпқа ва қалинлашган зич, жун қоплами қуюқ, ипаксимон ялтироқ ва жингалаклари бақувват Бу типли қўзилар кўпгина яхши етилган, конституцияси мустаҳкам, тери зонаси кўп ва териси майин бўлади. Жингалакларнинг очилиши бошқа томонга қараган бўлади, қалам гуллари узун ва ўртача узунликдаги ташқи кўриниши аниқ гулдор бўлади. Утипли қўзилар зотнинг етакчи хилдир ва бу қўйларни қора рангли тери етиштирувчи барча қоракўлчилик хўжаликлари кенг миқёсида урчитишлари лозим.

Терисидаги жингалаклари ўсиқираган типдаги қўзилар (кавказ типи) уларнинг жун узунлиги бирмунча ўсинқираган, жингалаклари кўпгина бўш дона гулсимон улакдор етилувчан эмас ва нотекис жойлашган. Қўзиларнинг конституцичси кўпол. Бу гуруҳга кирадиган қўзилар одатда кам боҳолик тери берадиган ва ярим доира шаклдаги қалам гулли мустаҳкам ёки нозик конституцияли қўйлар билан урчитилиб яхшиланиши лозим.

Терисидаги жингалаклари ясси бшлган типдаги қўзилар (плоский тип) ясси айланма гулли, қисман чаппа ва ясси гуллари билан характерланади. Аммо ипаксимонлиги аъло даражада, жун қопламининг ялтироқлиги жуда кучли, териси юпқа ва зич бўлади. Терисининг хусусияти ясси 1 – навли қўзиларнинг энг яхши хилига тўғри келадиган қўйларни маълум мақсад



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

билан урчитиш ҳам талабга муофикдир қовурғасимон шаклда бўлган типдагиқўзилар терисидаги жингалаклари қовурғасимон шаклда бўлган қалам гуллар, чаппа ва ясси гулларнинг аралаш бўлиши билан характерланади. Буларнинг жун қоплами қисқа, ипаксимон етарли даражада эмас, қуруқ жунлардан иборат буларнинг терисида баъзан шаклсиз гуллар ҳам бўлади. Баъзан қўзиларнинг териси факат чаппа ва ясси гуллардан иборат. Жингалакларнинг очилиши кўпинча дум томонига бўлади. Қоракўл зотининг ичида сифатли гуруҳларнинг бўлиши бу зотни янада такомиллаштириш учун шароити яратиб беради. Қоракўл эоти одатда тоза ҳолда урчитилади. Аммо узоқ муддати бир зотнинг ўз ичида урчитиш олиб борилса бу зотнинг маҳсулдорлиги пасайиб кетади. Бунинг тузатиш учун боўқа шароитда тарбияланган наслли қўчқорлардан фойдаланилади. Қоракўлчиликда ҳам уларнинг барра тери такомиллаштириш учун бошқа подада ўстирилган қўчқорлар келтирилиб уларнинг уруғи билан маҳаллий совлиқлар қочирилади.

А.К.Лебедов (1976) маълумотига кўра, “Гагарин” номли давлат наслчилик заводининг сур рангли қўзилар “Фориш” савхозида ишлаб чиқариладиган терининг сифати яхшилашда ижобий таъсири этганини қайд этган. Териларда жун қопламининг ипаксимонлиги, ятироқлиги гуллари яхшиланиб, қалам гуллар узунлашган.

Ш.М.Ризаев (1972) қайт этадики, “Қоркўл терисининг сифатини яхшилашда асосий йўллардан бири бошқа хўжаликдан бири бошқа хўжаликдан наслли қўчқор келтириш ва хшжаликлар аро қшчқорлар алмаштиришдир”. Бошқа хўжаликдан келтирилган қўчқорлардан муваққиятли равишда фойдаланилган тўғрисида маълумотларга А.А.Раҳимов (1973) ўз ишида кўрсатиб ўтади. Н.С.Гигинейшвили (1976) фикрича, қора қоракўлчилик хўжаликларида кўк рангли қоракўл қўйларини урчитишда хўжаликлар ора қўчқор алмаштиришни кенг қўллаш керак. Бошқа хўжаликларнинг қўчқорларидан эффектли равишда фойдаланиш тўғрисидаги



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

маълумотларни Б.Н.Васин ва бошқалар (1971), А.А.Раҳимов (1967) ва бошқалар ўз ишларида кўрсатиб ўтганлар.

"Ғўзор" давлат наслчилик заводига "Нишон" давлат наслчилик заводидан қора рангли қўчқорларни келтириб, кўк рангли совлиқлар билан жуфтлаганда икки йил тажриба давомида махалий қўчқорлар наслига 15,2% элита ва 12,2% биринчи класс қўзилар кўпроқ олинган. Р.Г.Валиев (1989), кўрсатадики, қора рангли қоракўл қўйларининг сифатини яхшилашда боўқа юқори маҳсулдорли подаларнинг қўчқорларидан фойдаланиш керак. Қоракўлчиликда наслчилик ишларининг юргазиш ва қўзиларни баҳолаш ( бонитировка қилиш) бўйича қўлланмасида (2000) наслчилик ишининг вазифаси ва режага муофиқ наслчилик хўжаликларидан қўчқорлар келтириш тажрибасини қўллаш тавсия этилади. Юқорида келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики наслчилик ишини тўғри йўлга қўйганда наслчилик хўжаликлардан фойдаланиш қоракўл қўйларининг маҳсулдорлигини такомиллаштиришда асосий зоотехника тадбирларидан биридир. Африка наслчилик иши олиб борадиган немис олимлари ҳам гул узунлигини ўрганиш, гул тўри, шакли ва барра типлари билан алоқодорлигини аниқлаганлар. Х.Э.Маттернинг (1976) маълумотига кўра, гул эни билан жун узунлиги орасидаги боғланиш коэффиценти Z=0,524 га тенг. Шундай қилиб, қоракўлчиликда ўзора мустақил бўлган тўртта барра типборлиги тан олинди ва 1961йилдаги "қоракўл қўзиларни бонитировка қилиш" ва наслчилик ишининг асослари қўлланмасига" киритилди. Лекин бу ҳам факат қора рангли тоза зотли қоракўл қўзиларга таълуқли эди. Шу қўлланманинг 1967 йилдагига эса олиб борилган танлаш ва жуфтлаш тажрибаларнинг натижалари хам қўшилди, ҳамда тоза зотли кўк ва сур қоракўл қўзиларни ҳам барра типларга бўлинадиган бўлди.

Қоракўлчиликда жун тола узунлиги кўпгина омилларга боғлиқ асосан яйлов шароитига қарайди. Бу эса яйловларда ҳосилдорлик жуда ўзгарувчан (А.П.Воробьеский 1991). Республикамизда етиштирилаётган қоракўл



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

терилари нафакат ранг ва нави билан ҳатто кўпи хилма – хиллиги билан ҳам фарқ қилади. Ана шундай хилма – хил бўлишида жун қопламининг пингметациясига боғлиқдир. Пингментацияси 3та гуруҳга бўлинади. Тим қора, қора ва қораси етарсиз.

Булар ичида тим қора рангиги эга бўлганлари жуда қимматли ҳисобланиб, улар ўзининг табий рангини жуда узоқ муддатга ўзгартирмай сақлаб туради. Қораси етарсиз жун қопламига эга бўлган қўзилар кам қимматли ҳисобланади ва уларнинг ранги тез ўрганиб кетади. Терилар жун қоплами рангининг оч – тўқлиги, толалар таркибидаги махсус модда пенгментларнинг миқдорига боғлиқдир. Қоракўл терисидаги жун толаси ранг берувчи пингментлар оқсиллар турига кирувчи мезнин моддасидан иборат. Қоракўл қўзилар жун қопламида пингментларнинг пайдо бўлиши жарёнини биринчи марта М.Х.Арсланова (1973) ва О.П.Фищенко (1984) таърифлаб берган эди. Авторларнинг яқинлашига қора рангдаги қўзиларнинг терисида дастлабки пингметлар учунчи ойда вужудга кела бошларкан. Н.П.Ролдугина (1963) қўзиларнинг жун қопламининг таркибида икки яни донадор ва эриган пингмент (меланин) мавжудлигини тасдиқлади. Бу пингментлар турли рангдаги қўзилардан ҳар хил миқдорда ва нисбатда учрайди. М.Х.Арслоновнинг (1969) текшириш натижалари шуни курсатадиган қўзининг турли қисмларидаги толасида шунингдек толанинг турли қисмларида мелланнинг миқдори ҳар хил бўлади. Энг кўп меланин тола пиёзчасининг таркибида мавжуд эканлиги аниқланган. Автор маълумотига кўра турли барра типдаги қўзилар жун қопламининг таркибида меланин миқдори турлича бўлади. Жакет барра типдаги қўзилар жуннинг таркибида 16,9% меланин бўлганлиги ҳолда, ясси барра типдаги қўзиларникида эса 16,6% ташкил қилади. Қавурғасимон барра типдаги 16,0 %ни ташкил қилади ва кавказ барра типдаги қўзиларникида 15,8% ни ташкил қилади.

А.И.Иноятов (1986) маълумотига қараганда, тим қора қўзилар жун жун таркибида 14,6% меланин мавжуд бўлса, ўртача қораларникида 13,5% ва



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

қораси етарсиз қўзиларникида 12,5% меланин бор экан. Қоракўл қўзиларнинг классллари ва навлари қанча юқори бўлса улар рангининг тўқлиги ҳам ўунча юқори бўлади. А.И.Инаятов (1986) тақидлашига кўра, қора рангда қўзилар жун толасининг таркибидаги меланин миқдори ота – онасининг рангига қараб ҳам турлича бўлиши мумкин. Масалан: қора рангдаги ва қўчқордан олинган қора қўзилар жун толасининг таркибида 10,9% меланин мавжуд бўлган, холда қора совлик билан сур қўчқорни жуфлаштириш натижасида олинган қора қўзиларники 10,6% ота – онаси тилла сур бўлган қора қўзилар жуни таркиби 7,6% меланин бор. Қора қўзиларга нисбатан рангдор қўзилар жун меланин таркибида меланин анча кам бўлади.

Масалан: қора рангдор совлиқ қўчқорлардан олинган қора қўзилар жунида пингментлар миқдори 100% деб олсак, сур қўзиларнинг жун толасидаги меланин миқдори 50% ни, жигар ранг қўзиларжунидаги 38,0% ва гулигаз қўзиларнинг жунидаги пингмент 32,0% ни ташкил этади.

Қоракўлчиликда наслчилик ишларини юргазиш ва қўзиларни баҳолаш (бонитировка қилиш) бўйича қўлланма (2000) ва териларни товар хусусиятларини ўрганиш (ЎзРСТ 041-95) талаблари асосида қора қўзилари ва териларни оч тўқлигига катта эътибор берилган.

Инструкцияга мувофиқ тўқ қора қўзилар ва терилар 10 балл, ўртача қора қўзилар ва терилар 6 балл ва оч қора қўзилар ва терилар 3 балл билан баҳолоши муҳимлиги кўрсатилган.

Қоракўл қўзилар териси саноатда бўяш йўли билан тўқ қора рангга айлантирилади. Бироз қора қоракўл қўзилар жун қоплами рангининг оч тўқлиги уларнинг биологик хусусиятлари билан боғланган бўлганлиги туфайли тери сифатига ҳам таъсир кўрсатади. В.И.Сетаяновскаянинг (1960) таъкидлашига қўзиларнинг ранги, органзмнинг соғломлиги, конституцияси ва хаёт фаолиятини кўрсатувчи ўзига хос белги (индикатор) дир.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

Зот ичида (худудий) тип – Аниқ хўжалик ва табий шароитда одамларнинг ижодий фаолияти натижасида яратилган қоракўл қўй зотининг гуруҳи ҳисобланиб, узотнинг умумий хусусиятлари билан бир қаторда ўзига хос маҳсулдорлик, тана тузилиши, конституцияси, урчитиш худудига мослашиш, касаллик ва ташқи муҳит таъсирига чидамли, юқори самара бериш хусусиятлари билан характерланади.

Завод типи – наслчилик заводи, наслчилик хўжалиги ва уларнинг таъсири доирасидаги хўжаликларда селекцияларнинг узоқ муддатли ижодий фаолияти натижасида линияли урчитиш ва уларнинг классларини мослаштириш натижасида яратилган қоракўл зотининг чегараланган гуруҳи бўлиб, у ўз специфик морфологик, физологик, маҳсулдорлик хусусиятларини, маълум хўжаликларда урчитиладиган қўйларга ҳам хўжалик бой белгиларни мужассамлаштирилган янги тип ҳисобланади. Завод типи - янгилиги, фарқланиш, ўхшашлиги ва турғунлиги билан характерларинилозим. (Х.Гиёсов ва бошқалар 2001.).

Селекция самарадаорлигига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бири белгиларнинг наслга берилувчанлигидир. Наслга берилувчанлик коэффиценти яхши йўлга қўйилган селекция шароитда, қанчалик юқори бўлса селекция самараси ҳам шунга юқори бўлади ва аксинча, белгиларнинг наслга берилувчанлик коэффиценти паст бўлган шароитда мақсадли селекция самарасига етиш қийин. Тадқиқотларнинг натижалари кўрсатишча, келиб чиқиши маълум наслга кучли бериладиган экстерьер, конституция, маҳсулдорлик ва бошқа кўрсатгичлар бўйича ўхшаш селекция ютуғини яратиш режаси талабларига жавоб берадиган етарли миқдордаги қўйларнинг мавжудлиги. Бу шароитда тоза зотли наслли қўйлар сони қўйдагидан кам бўлмаслиги лозим. (Х.Гиёсов 2001).

М.Ж.Зокиров ва бошқалар (1999) маълумотига кўра, тўла консервалаш, ошлаш жарёнида қоракўл терилар юзасининг катталиги асл холига қайтади. Бтроқ қуритиш жараёнида температура ва бошқаларга қараб териларнинг



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

кичрайиши анчагина ўзгариб туради. Одатдаги қуритиш майдончасида офтобга ёйиб қуритилганда қурук тузланган терилар юзасининг катталигига нисбатан кичрайиши 11,0% ни, одатдаги майдончада сояда қуритилганда 7,32% ни, одатдаги майдончада кечаси қуритилганда -7,11% ни, бетон ёткизилган майдончада офтобда қуритилганда 10,99% ни, иккинчи марта тортиб қўйиб, қуритилганда 5,19% ни, маҳкамлаб қўйибмеханик усулда қуритилганда -2,05% ни ташкил қилди. С.А.Асамов вабошқалар (1988) яйлов озиқа шароитида яхши жойлашган хўжаликларда (“Конимех”, “Нишон” давлат наслчилик заводи ва “Чимқўрғон совхози) қоракўл терилар вазни озиқа камроқшароитда жойлашган хўжаликлардагига нисбатан (“Жонгелди” наслчилик хўжалиги ва “Қорақата” савхози) 8-22% ортиқдир. М.Ж.Зокиров ва К.К.Каримов (1987) тажрибаларида ҳар хил сорт ва рангларда мансуб қоракўл терилар ўртасида хам тери тўқмасининг қалинлиги жиҳатдан мўайян тофовутлар бор. Москва жакет, кирпук ва ясси юпқа 1 сонларига кирувчи қоракўл терилар тери тўқмасининг ниҳоятда юпқа эканлиги билан; жакет – II, қовурғасимон юпқа -1 ва ясси қалин-1 сортлари ўртача қалинлиги билан Кавказ қалин-1, кавказ юпқа -1, қалин жакет ва қовурғасимон қалин-1, сортлари эса мағзли эканлиги билан характерланади. М.Ж.Зокиров ва бошқалар (1999). Шуни айтиб ўтиш керакки,қоракшлнинг қимматли хисобланувчи жакет 1, кирпук, қовурғасимон юпқа -1 навлари тавор сатҳи бўйича бир хил текисликда узун жингалаклари ва кам қимматли ҳисобланадиган. Кавказ қалин-1, кавказюпқа-1,навларига эса унча текис эмас, анча калта жингалаклар характерлидир. И.Н.Дьячков (1980) қоракшл қўйлари гул жингалаклари узунлигига қараб танлаш ва селекциялаш юксак даражада самарали эканлигини аниқладилар.

А.Ибрагимовнинг (1978) тадқиқот натижаларига кўра турли завод типдаги қўйлардан олинган терилар жун қопламининг ипаксимонлиги турлича бўлади. Авторнинг фикрича “ Навоий” ва “Свердлов” завод типларнинг терилари, “Қоракўл”, “Нурота”, ва “Қизилқум” завод



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

типлариникидан ипаксимонлиги бўйича юқори туради. Р.Г.Валиев (1984) маълумотига кўра турли завод типидаги қўчқорлардан олинган авлодлар жун қопламининг ипаксимонлик даражаси турлича бўлиши мумкин. Авторнинг таъқидлашича, памук қўчқорларидан олинган авлодлар орасида жуни ўта ипаксимонликка эга бшлган қўзилар кўпроқ учрайди. Бу эса “Конимех” давлат наслчилик заводи қўйларининг ипаксимонлик даражасини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

Биз битирув малакавий ишни бажаришимизда турли рангли қўйларни жуфтлаш натижаларидан фойдаланишнинг айрим натижаларини қўзиларни хусусиятларини таққослаб ўрганишни мақсад қилиб олдик.

О.П.Фишенконинг (1981) таъкидлашича қора рангдаги қўзилар жун толасининг таркибидаги меланин миқдори ота-онасининг рангига қараб ҳам турлича бўлиши мумкин. Масалан: қора рангдаги қўчқор ва совлиқдан олинган қора қўзиларжун толасининг таркибида 10,9% меланин мавжуд бўлган ҳолда қора совлиқ билан тилло сур қўчқорни жуфтлаштириш натижасида олинган қора қўзиларникида 10,6%, ота-онаси тилло сур бўлган қора қўзилар жунининг таркибида 10,3% меланин бор.

Қора қўзиларга нисбатан рангдор қўзилар жун толасининг таркибида меланин анча кам. Масалан: қора рангдаги совлиқ ва қўчқорлардан олинган қора қўзилар жунидаги пингмент миқдорини 100% деб олсак сур қўзиларнинг жун толасидаги меланин 50-50% ни, жигар ранг қўзилар жунидаги 38,0% ва гулигаз қўзиларнинг жунидаги пингмент 32,0% ни, ташкил этади.

Рангдор қўзилар жун қопламининг таркибидаги меланин миқдори улар рангининг оч тўқлигига ва ота- онасининг рангига қараб ҳар хил бўлади, яъни рангдор қоракўл қўзиларда қора рангли қўйларнинг таъсири камая борган сари, уларнинг жун толасида меланин миқдори ҳам камаяди. Шунингдек ота-онасининг ранги бир хил бўлган бир тусли қўзиларда ҳам,



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

уларнинг ранги қанча оч бўлса, толалардаги меланин миқдоришунча кам бўлади.

О.П.Фишенко (1970, 1978) электирон микроскоп ёрдамида ўтказган текширишларнинг натижасига асосланиб, қоракўл қўзилар жун толасининг пингменти икки хил морфологик тузилишига эга бўлиши мумкинлигини уқтиради: а) алоҳида якка доначалардан. б) доначаларнинг ўзора бирлашувидан хосил бўлган турли шаклдаги (урчуқсимон, юлдузсимон, юмолоқ, таёқча ва шунча ўхшаш) пингмент тудалардан иборат лигини кўрсатади. Турли рангга эга бўлган қоракўл қўзиларнинг жун толасидаги пингмент парчаларининг катталиги турлича бўлиши мумкин энг йирик пингмент парчалари қора рангдаги совлиқ ва қўчқорлардан олинган қора қўзиларнинг жунида мавжуддир. Қамбар (жигарранг) қўзиларнинг жунида икки хил катталикга эга бўлган (майда ва йирик) пингмент парчалари учрайди. Бу ерда шуни ҳам қайд қилиш керакки йирик парчалар майда парчаларнинг бирлашувидан хосил бўлмасдан балки уларнинг ўзлари алоҳида пардали мустақил тузилишга эга бўлган парчалардир.

А.И.Инаятов (1986) қоракўл қўзиларнинг жунида (кўпчилик авторлар тамонидан қайд қилинган), пингментларнинг (дифузний) шаклини учратмаганларини қайд қилдилар.

Авторларнинг фикрича меланин парчалари жуда кичик бўлганлиги учун уларнинг шакли ва катталигини одатдаги микроскоп ёрдимида ўрганиб бўлмайди.

Уларнинг тузилиши тўғрисида аниқ маълумотларни фақат электирон микроскоп ёрдамида олиш мумкин. Қоракўлчиликда наслчилик ишларини юргизиш қўлланмасида (2001) қора қўзилар рангининг оч тўқлигига катта эътибор берилган. Бу инструкцияга муофиқ тўқ қора қўзилар 10 балл, ўртача қора қўзилар 6 балл ва оч қора қўзилар 3 балл билан баҳоланиши муҳимлиги кўрсатилган. Қоракўл қўзилар териси саноатда бўяш йўли билан тўқ қора рангга айлантирилади. Бироқ қора қоракўл жун қоплами рангининг оч



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

тўқлиги уларнинг биологик хусусиятлари билан боғланган бўлганлиги туфайли тери сифатига таъсир кўрсатади.

С.Ю.Юсупов (2005) таъкидлашича қўзиларнинг тери ва жун қопламининг ранги, организмнинг соғломлиги, конституцияси ва ҳаёт фаолиятини кўрсатувчи ўзига хос белгидир.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

## II. ХЎЖАЛИКНИНГ ҚИСҚЧА ТАРИХИ.

“Сарибел” наслчилик ширкат хўжалиги Ўзбекистон қишлоқ хўжалик вазирлигининг 26 август 1957 йилдаги № 318-К буйруғига асосан Бешработ массивидаги чорва фермалари асосида ташкил топган. Унинг маркази “Янги ғазғон” деб белгиланган.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 28 апрел 1976 йилдаги № 208 буйруғига асосан, аввалги “Коммунизм” ҳозирги “Сарибел” совхозига “Давлат наслчилик заводи” мақоми берилган. 1980 йили заводнинг №3 фермаси асосида “Комсомолобод” совхозида ташкил қилинган. 1992 йилнинг августида “Коммунизм” наслчилик заводи “Сарибел” деб номланган.1994 йил “Сарибел” уюшмага 1999 йил март ойидан бошлаб “Сарибел” наслчилик ширкат хўжалигига айлантирилган.

Хўжалик ташкил бўлган йиллардан бошлаб сур рангли қоракўл териларга ички ва айниқса ташқи бозорларда талаб тез ўса бошлади. Қора рангли қоракўлга нисбатан сур рангли терилар нархи 1.5 баровар ошганлиги сур қўйларини урчитишга катта туртки бўлди.

Сур қўйларни урчитиш учун етарли илмий усул, ишланма ва таклифлар борлиги хўжаликларга катта фойда берди.

“Сарибел” хўжалиги ташкил бўлганда(1957 йил) 70 мингдан кўпроқ қўй бўлиб уларнинг 95 % дан кўпроғиқора ранга мансуб бўлиб, дурагай ва пац синфлилар 40 % дан кўпроғини ташкил қилган.

Хўжаликнинг иқтисодини яхшилаш мақсадида 1961 йили Оёқ-оғитма тажриба цансиясидан 50 бош ва 1969 йили Бухоро вилоятининг колхозларида 150 бош сур қўчқорлар крлтириб сурчилик билан шуғулланишга асос солинган эди. Келтирилган сур қўчқорлар билан хўжаликдаги қора рангли қўйлар сун’ий усулда уруғлантириш йўли билан уларнинг ирсий та’сирини оширишга эришилган. Натижада қора рангли гетерозигат қўйлар йилдан – йилга кўпайиб уларни сур қўчқорлар билан уруғлантириш асосида сур қўзи олиш имкони яратилган.ранг бўйича хар хил



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

жуфтлаш, яъни гетерозигат қора рангли қўйлар (сур қўчқорлардан туғилган) сур қўчқорлар билан жуфтлаштириш туфайли 50 фоизгача сур қўзи олиш имконига эришилган эди.

Сур рангли қўйлар кўпайиши билан сур ранг бўйича бир хил жуфтлашга ўтиш туфайли сифатли, сурлик даражасининг номоёнлиги яхши ифодаланган, жун тола сифати яхши қўзилар йилдан-йилга кўпайиб уларнинг орасидан наслли қўчқорларни танлаш имкони туғила бошлаган эди. Бир йўла пац синфли ва курагай қўйиларни суеувдан чиқариш ишлари ҳам олиб борилган натижада 1961 йил хўжалик 1.2 % сур тери этиштирган бўлса, 1980 йилга келиб терилар

“Сарибел” наслчилик ширкат хўжалиги 1976 йили наслчилик завод тоифасига ўтказилган. Шу билан бир вақтда хўжалик Бухоро сури қоракўл қўйларининг ясси гул типини урчитишга ихтисослаштирилган эди. Юқорида айтилганидек ўтган даврда хўжаликдаги қўйларни 99.4 фоизи сур рангга мансуб бўлишига эришилган. Ҳар йили паст синфли ва қорасур қўйларини сурувдан чиқариш натижасида уларни 40 фоиздан 18-20 фоизга тушишиг эришилган.

Наслли сур қўчқорларини танлашга эътибор йилдан йилга ошиши натижасида уларнинг сифатлари яхшиланиб қалам гуллилари ва ясси гуллиларидан иборат бўлишига эришилган. Уларнинг 70 фоизи элита синфига мансуб. Яна бир муҳим ютуқ бу хўжаликдаги сур қўйларнинг 70-80 фоизи кумушсур рангбарангликда бўлишидадир. Ясси гулли қўйлар селекциясига алоҳида этибор берилиши ва ясси гулли сур қўчқорларидан су’ний уруг’лантириш усули орқали унумли фойдаланиш шу қўйларнинг хўжалик подасида 30-35 фоизни ташкил қилишга олиб келади.

Умуман олганда, “Сарибел” наслчилик ширкат хўжалигидаги Бухоро сури қоракўл қўйлари ўзига хос юқори махсулдор яссигулли кумуш ранг барангликдаги генафондига айланган.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

Эндиги вазифа 2012-2014 йилларда еришилган селектсион ютуқларни муцаҳкамлаб мақсадли жуфтлаш асосида наслчилик ишларини хўжалик қоракўл қўйларини махсулдорлик ва наслий хусусиятларини такомиллаштириш зот типига мансуб қўйларни сифатий ва миқдорий жихатдан ривожлантириш талаб қилинади. Натижада хўжаликда қоракўл қўйларидан олинган махсулотларнинг екcпорт боплиги ошади, қўйларни сифати яхшиланади. Булар хўжаликнинг самарадорлигини янада юқори бўлишига сабаб бўлади.

**Хўжаликнинг табиий шароитлари.**

Хўжаликнинг умумий тер майдони 159861 гектар бўлиб шулардан 159783 гектари табиий яйловлардир.Умумий ер майдониниг 120 000 га бутазор ва саксовулзорлар ташкил этади. “Сарибел “насилчилик ширкат хўжалиги Навоий вилояти Конимех туманида жойлашган. Унинг шимол қисмида “Қизилқум”, шарқида “Оёқ-қудуқ”, жанубида “Саржал”, “Ғозғон” ва ғарбида “Қизилча” ҳамда Абай номидаги ширкат хўжаликларар жойлашган.

Иқлим шароити кескин ўзгарувчан, ёзда ниҳоятда иссиқ ва қуруқ, қишда совуқ хавоси билан фарқ қилади. Хавонинг ўртача йиллик ҳарорати 15-16С. Энг иссиқ ой июл, бу ойда харорат 44-46С бўлиши мумкун.Декабр ойининг охири ва январ ойи энг совуқ давр хисобланади.Бунда хаво харорати -2С дан то -28С гача бўлиши кузатилган. Хавонинг намлиги ўртача 30% бўлиб,ёзда 10% гача бўлиши мумкин. Йиллик ёғингарчилик ўртача 160-170 мм, унинг энг кам миқдори 80-90 мм ва юқориси 280-300 мм булиши кузатилган.

Хўжаликнинг яйлов ҳосилдорлиги турли хил бўлиб, ўртача 2-3 ц.ни ташкил қилади. Хўжаликда асосан рангли ўсимликлар эфемер бир йиллик ўтлардан илок, арпоғон, қўнғирбош, ялтирбош ва бошқалари кўп учрайди. Бундан ташқари бута ва ярим буталарда сингрон боржок, салин, черкез, коврак, оқ ва қора саксовул ўсимликлари ҳам кўп учрайди ва қуйидагича таърифланади.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

РАНГ, ҚОРАБОШ - Ҳилолдошлар оиласига мансуб эфемероид бўйи 6-25см. Соз, қумоқ, механик таркибли бўз тупроқларда тарқалган ўсимлик. Ранг тупроқнинг юқори қатламини бутунлай қамраб олади. Эрта баҳор (куз) майсалайди, апрель ойида гуллайди, майда уруғлари пишади.

Бошоғи қўнғир қорамтир тусда бўлгани сабабли қорабош номи билан ҳам аталади. Барча зотли чорва- моллари, бутун йил давомида хуш кўриб ейувчи озуқа. Ранг пичани таркибида 19% протеин, 4,5% ёғ, 46% АЭМ ва 20,5% клетчатка бор. 100 кг пичани таркибида ёзда 51,7 озука бирлигига эга.

ҚЎНҒИРБОШ – Ғалладошлар оиласига мансуб, бўйи 15-35см, эфемероид. Турли-туман тупрок, экологик шароитларда (гипс, бўз, шағалли тупроқларда, тоғ этаклари) кенг тарқалган тур. Эрта баҳорда майсалайди, апрель майда гуллайди ва уруғлари пишади. Уруғи қўнғир пиёзча, шунинг учун ҳам уни қўнғирбош деб аташган.

Қўнғирбош кўкат ҳолида ҳам, куригандан кейин ҳам чорва молларининг тўйимли хуш кўриб ейилувчи озиғи ҳисобланади. Унинг пичани таркибида 10,1% протеин, 1,5% ёғ, 4,4% АЭМ ва 35-40% клетчаика сақлайди. 100 кг пичанида 64,6 озука бирлиги бор. Табиий яйловлар маҳсулдорлигини оширишда истиқболли фитомелиорант.

ИЛОК - Ҳилолдошлар оиласидан, қумсевар илдизпояли эфемероид, бўйи 15-25см. У кучли ва кам ривожланган қумлар, қум тепаликлар орасидаги текисликлар, кумли тупрокларнинг шўрланмаган майдонларида кенг тарқалган. Қумни мустаҳкамловчи ўсимлик, унинг илдизлари тупроқнинг юза қисмида кучли ривожланган. Февралнинг охиридан майсалай бошлайди. Куз серёмғир, илиқ келса, октябрь-ноябрь ойларида ҳам кўкаради, мартда гуллайди, апрелда уруғ беради. Қумли яйловларнинг барча зотли моллари учун ўта муҳим баҳорги кўкат ҳисобланади Қуруқ хашаги ҳам тўйимли озуқа. Баҳорда илок пичанида (гуллаш даври) 14,1% протеин, 2,7% ёғ, 48,8% АЭМ ва 24,1% клетчатка бор. 100 кг пичанида 94 озуқа бирлиги сақлайди.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

ЯЛТИРБОШ – Ғалладошлар оиласига мансуб, бўйи 15-40 см келадиган бир йиллик ўт. Зичлашган қумлар, бўз тупроқлар ва қўнғир-бўз тупроқларда кенг тарқалган. Февраль-мартда униб чиқади, апрелда гуллайди ва уруғ беради. Кўкат ҳолида ҳам куриганида ҳам чорва моллар учун яхши озиқа. Уруғ тугиш даврида пичани таркибида 17,5% протеин, 3,6% ёғ, 45,0% АЭМ, 8,5% кул моддалари ва 25,27% клетчатка сақлайди. Туйимлилиги 92,3 озука бирлигига тенг. Қумли, гипсли чўл яйловлари маҳсулдорлигини оширишда истиқболли фитомелиорант.

АРПАҒОН - Ғалладошлар оиласидан, бўйи 10-25см, эфемер. Қум ва бўз тупроқли майдонларда ўсади. Март-апрелнинг бошларида кўкариб чиқади май ойида уруғлари пишади. Уни чорва моллари кўклигида ҳам қуриганидан кейин ҳам яхши ейди. Об-ҳаво қулай келган йиллари ундан хашак жамғариш мумкин.

ЧИТИР - Крестгулдошлар оиласига мансуб, бўйи 10-50, эфемер, Ўзбекистонда читирлар туркумига кирадиган ўсимликларнинг 14 тури мавжуд. Читирлар чўлларда турли-туман тупрок шароитларда ўсади, аксарият адир ва тоғ олди яйловларида кенг тарқалган. Читирлар орасида энг тўйимлиси ва ҳосилдори оқ. читирдир. Оқчитирлар март ойида майсалайди, апрель-майда гуллайди, май-июнда уруғи пишади. Оқчитирни барча турдаги чорва моллари хуш кўриб ейди. Пичани эса ўта тўйимли бўлиб, ундан озиқланган моллар тез семиради. Оқчитир пичани таркибида 24.2% протеин ва 22,6% клетчатка мавжуд. 100кг пичанида 96,2 озука бирлиги бор. Сернам йиллари чорвадорлар кўплаб читир хашаги ғамлайдилар. Читирлар яйловлар маҳсулдорлигини оширишда ҳам истиқболли ўсимликлар ҳисобланади.

НЎХАТАК – Дуккакдошлар оиласидан, бўйи 10-40см келадиган бир йиллик ўт. У бўз, қўнғир - бўз, тупроқларда зичлашган қумларда ўсади. Нўхатак қоракул қўйлари, эчки, қорамолларнинг тўйимли озиғи. Уни чорва моллари кўкат ҳолида ҳам, пичан ҳолида ҳам яхши истеъмол қилади. Нўхатак



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

пичани таркибида (уруғ тугиш даврида) 22,37% протеин, 2,65% ёғ, 49,8% АЭМ, 10,36% кул моддалари  ва 14,9% клетчатка мавжуд.

**Бир йиллик шўра ўтлар.**

БАЛИҚ КУЗ - Шўрадошлар оиласига мансуб бир йиллик ширали шўра ўт. Ўсимпикнинг бўйи  20-60см. Барглари этли, ширали, яримяссимон, қўнғир ҳаворанг тусда. Тақирсимон, қўнғир-бўз, турли даражада шўрланган қумлар. Шўрхок майдонлар атрофларида ўсади. У март ойида униб чиқади. Июль август ойида гуллайди, уруғлари сентябрь-октябрда пишиб етилади. Балиққуз куз ва қишда қўй ва туялар учун яхши озуқа ҳисобланади. Бошка бип йиллик шўра ўтлар қатори балиққуз қочириш даврида муҳим озуқа ҳисобланади. Балиққуз  пичани таркибида 6,6% протеин, 5,6% ёғ, 19,3% АЭМ ва 18,9% клетчатка бор. 100 кг пичани баҳорда 23, ёзда 47, кузда 36 ва қишда 30 озуқа бирлигини сақлайди. Шўрҳок тупроқли яйловлар, гипсли чўл яйловлари маҳсулдорлигини оширишда истиқболли тур.

ДОНАШУР - Шўрадошлар оиласидан, паст бўйли бир йиллик ширали шўра ўт. Тақирлар ва шўрланган тупроқларда ўсади. Пояси тик, асосидан шохланган кўлранг тусда. Пастки барглари ясси, устки барглари навбатлашиб жойлашган, этли, икки томони ва тукчалар билан қопланган. Донашур март ойида униб чиқади, май-июнда гуллайди, уруғлари анча эрта (август-сентябрь пишиб етилади). У қўй ва туялар учун куз ва қиш ойлари давомида ейилувчан озуқа ҳисобланади. 100 кг куруқ пичанида 34 озуқа бирлиги бор. Шурланган яйловлар маҳсулдорлигини оширишда истиқболли тур.

ХАРИДАНДОН, БУЗОҚБОШ – Шўрадошлар оиласига мансуб бир йиллик шўра ўт, бўйи 25-30см. Шўрхоклар, тақирлар ва бошқа шўрланган тупроқларда ўсади. Барглари чизиқли, узунлиги 4-5см, ширали, этли, зич жойлашган тукчалар билан қопганган. Апрель-октябрь ойигача кўкаради, сентябрь-октябрда уруғ беради.

Ўсиш даврида чорва молари харидандонни деярли емайди: куз ва қиш мавсумларида қўйлар ва туялар уни яхши ейди, семиртирувчи озука



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

ҳисобланади. Уруғ бериш палласида харидандон пичани таркибида 7,1% протеин, 2,5% ёғ, 34% АЭМ ва 21,4% клетчатка бўлади. 100кг пичанидаги озуқа бирлиги қуйидагича ёзда 47, кузда 36, қишда 30. Шўрланган яйловлар ва тақирларнинг маҳсулдорлигини оширишда.

ОҚ САКСОВУЛ – Шўрадошлар оиласига мансуб 3-4 м баландликдаги дарахтсимон бута, у қора саксовулдан фарк қилиб қумларда тарқалган ва танасининг оқ пўст билан қопланганлигидадир.

Қўй, эчки ва туялар куз ва қиш мавсумларида унинг юмшаган новдаларини, уруғини яхши ейди. Оқ саксовулнинг пичанида 3,0-10,О протеин 25,0-40,0% АЭМ ва 13,0-16,0%. клетчатка мавжуд. 100 кг пичанида 53 озуқа бирлиги бор. Оқ саксовулдан қумли майдонларни мустаҳкамлашда, яйловлар маҳсулдорлигини оширишда кенг фойдаланилади.

ҚИЗИЛҚАНДИМ – Торондошлар оиласига мансуб, бўйи 1,5-2,5 метргача бўлган дарахтсимон бута, Қизилқандим кучувчан ва кам зичлашган қумларда кенг тарқалган. Мартнинг иккинчи ярми - апрелнинг бошларида кўкара бошлайди, майнинг биринчи ун кунлигида гуллайди, июннинг охирида уруғлари пишади. Бир йиллик новдалари баҳор ва ёз ойлари яхши ейилади. Қандимнинг пичани таркибида гуллаш даврида 12,5% протеин, 1,1% ёғ, 34,4 АЭМ, 19,4% кул моддалари ва 30,0% клетчатка мавжуд. 100 кг пичани йил мавсумига қараб 37-59 озука бирлигига эга. Қумли яйловлар маҳсулдорлигини ошириш, кучувчан қумларни мустаҳкамлашда фойдаланилади.

ҚИЗИЛЧА-БОРЖОК – загозадошлар оиласидан, бўйи 1,5-2 метрга етадиган, кучли шохланган, доимий яшил бута. Аксарият қумли чўлларда тарқалган бўлиб, юзаси кумоқлашган гипсли тупроқларда ҳам учрайди. Вегетатив усулда кўпаяди, бир асосий илдизпоя атрофида ёрдамчи илдизлар воситасида бир талай Янги новдалар вужудга келади. Чорва моллари уни йилнинг барча мавсумларида фойланадиган озуқа ҳисобланади. Гуллаш давридаги озуқанинг қиймати қуйидагича: протеин – 16,8%, ёғ – 3,7%, АЭМ –



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

31,6%, кул моддалари – 9,6%, клетчатка 30,4%. 100 кг пичанида баҳор пайтида 73,6 озуқа бирлиги бор. У қумларни мустаҳкамлашда, чўл минтақаси учун манзарали ўсимлик сифатида истиқболли.

СИНГРЕН – Дуккакдошлар оиласидан, бўйи 70-120 см бутача. Қумли ва гипсли чўлда тарқалган. Марказий Осиё қумли чўлларининг эндемиги. Поялари йўғон, сершох, очиқранг тукчалар Билан қопланган. Март ойида кўкаради, апрель-майда гуллайди, уруғлари июнда пишади.

Чорва моллари унинг бартчалари, гуллари дуккаклари ва бир йиллик новдаларини истеъмол қилади. Юқори тўйимли озуқа: ғунчалаш даврида пичани таркибида 19,8% протеин, 2,56% ёғ, 10,4% кул моддалари, 32,5% АЭМ ва 26% клетчатка сақлайди. Тўйимлилиги: 100 кг пичанида баҳорда 61 ва кузда 32 озуқа бирлиги бор. Қумли чўллар маҳсулдорлигини оширишда истиқболли фитомелиорант.

ОҚ ШУВОҚ – (ёвшон, жусан) – бир йиллик новдалари қўнғир яшил рангли, барглари майда, кучли қирқилган. Поя ва барглари оқ тукчалар Билан қопланганлиги сабабли, уни оқ шувоқ ҳам деб аташади. Оқ шувоқ пичани уруғ бериш палласида қуйидаги озуқа таркибига эга. Протеин 8,0%, ёғ – 5,5%, АЭМ-35,2%, кул моддалари 6,7% ва клетчатка 45,4%. 100 кг пичани таркибида йил мавсумлари бўйлаб 66-18 озуқа бирлигига (ўртача 31 озуқа бирлиги) эга.

ИЗЕН – Шўрадошлар оиласига мансуб ярим бута. Бўйи 30-85 см. изен 3 экотипга ажратилади: қумли, шағалли ва соз тупроқли. Қумли изеннинг новдалари оқиш рангдаги туклар Билан қопланган. Баргчалари кичикроқ Қизилқум, Муюнкун ва бошқа қумли чўлларда ўсади. Кумли ва қумоқ чўл яйловларини яхшилашда истиқболли ўсимлик.

ШУВОҚЛАР – Мураккабдошлар оиласига мансуб ярим бута, хашакбоп ўсимликлардир. Бўйи уларнинг турларига қараб 20-100 смга етади. Чўлларнинг барча типларида турли-туман тупроқ шароиталирда кенг тарқалган тур. Илдиз системаси асосан тупроқнинг юза қисмида (0,6-1,2



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

метр) тарқалган. Февралнинг охири мартнинг бошларида кўкаради ва харорат кескин кўтарилиши ва тупроқда нам камайиши Билан (июн-август ойларида) ўсишдан тўхтайди. Сентябрдан бошлаб ўсишни давом эттиради. Сентябрнинг охирларида гуллайди, уруғлари ноябрда пиши етилади.

Шувоқларни чорва моллари асосан куз ва қиш мавсумларида хуш кўриб ейди. Шувоқзор қоракўл тери сифатини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади. Шувоқлар кузги-қишки ва йил давомида фойдаланиладиган яйловлар барпо этишда муҳим хашакбоп ўсимликлардир.

**Дағал пояли ўсимликлар.**

ЯНТОҚ – дуккакдошлар оиласига кирувчи, буйич 50-130 см атрофидаги кўп йиллик ўсимлик. Ўзбекистонда нтоқнинг 4 та тури бўлиб, улардан энг кўп тарқалгани ёлғон янтоқдир. Янтоқ кам шўрланган, нам Билан таъминланган майдонларда, дарёлар узанларида, паст текисликларнинг ер ости сувлари яқин жойлашган майдонларида кўпроқ тарқалган. Унинг кучли риволанган илдизи грунт сувлари тарқалган тупроқ қатламларигача етиб боради. Пояси серҳок, новдалари силлиқ, туксиз уткир бурчакли тик ўсувчан. Барглари тухумсимон чўзиқ, тиканчаларининг узунлиги 1-3 см бўлиб, ўзгарган новдлара ҳисобланади. Апрелда кўкаради, июн-августда гуллайди, уруғлари сентябр-октябрда пишиб етилади. Янтоқ чорва моллари учун тўйимли озуқа ҳисобланади, айниқса қоракўл қуйлари учун қишқи хашакдир. Гуллаш даврида пичани таркибида 12,6% АЭМ мавжуд. 100 кг пичанида 33,5 озуқа бирлигига эга. Янтоқлар шифобахш ва шакар йиғувчи, ҳамда асаларичиликда қўлланилувчи ўсимликлар сифатида ҳам диққатга сазовор. Яйловлар маҳсулдорлигини оширишда қўлланиладиган истиқболли ўсимлик.

КАРРАК, ОҚ КАРРАК – Мураккабдошлар оиласига мансуб, буйи 40-60 см, намгарчилик йиллари 1 метргача етадиган икки йиллик ўсимлик. Адирлар ва тоғ этакларида энг кўп тарқалган. Барглари қирқилган, учи тиканли, остки томони оқ тукчалар Билан қопланган. Ҳар йили тўпбарглар ҳосил қилади,



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

қулай шароит бўлгач, поя чиқаради ва гуллар шу Билан курийди. Май ойида гулга киради, июнда уруғлари пишди.

Ўсиш даврида карракни фақат туялар истеъмол қилади, бошқа чорва моллари эса фақат пичанини янчилган ҳолида ейди. Шоналаш даврида каррак пичанида 9% протеин, 44% клетчатка ва бошқа зарур моддалар сақлайди. Каррак қоракўлчилик ҳудудлари учун қиш ойлари мобайнида қўшимча озиқлантиришга мўлжалланган озуқа тайёрлашда муҳим манбаа ҳисобланади.

СЕЛИНЛАР – Бошоқдошлар оиласидан, буйи турига қараб 40-60 смдан 80-150 смгача етадиган, чим ҳосил қилиб ўсувчи кўп йиллик ўтчил ўсимликлар. Урғочи ва нар селинлар қумли чўлларда кенг тарқалган. Илдиз системаси ён томонларга кучли ривожланган, иккаласининг ҳам биологик хусусиятлари одатда кескин фарқ қилмасада, туйимлик жиҳатдан урғочи Селин бироз устунроқ. Урғочи селиннинг барглари ингичка, қаттиқ лентасимон, бутун илдизи олдидан ўсиб поясини нов ҳолида ўраб туради. Илдизи чим ҳосил қилиб, диаметри 0,5-1,0 смга етади. Эрта баҳордан ёзнинг ўрталаригача майсалайди, май ойида гуллайди, уруғлари июлда пишади. Ўсиш даврида ейилувчанлиги юкори эмас, ундан тайёрланган пичанни барча турдаги чорва моллари яхширoқ ейди. Унинг пичанининг озуқавий қиймати: протеин 3,7%, клетчатка 44% борлиги аниқланган. 100 кг пичанида 34,5 озуқа бирлиги сақлайди. Кўчувчан қумларни мустаҳкамлашда муҳим фитомелиорант.

КАВРАК – Соябонгулдошлар оиласига мансуб, буйи 100-120 смга етадиган монокарпик (ҳаётида бир марта гуллаб мева берадиган) кўп йиллик ўсимликдир. Каврак баҳорда кўкариб, фақат илдизи олди барглар ҳосил қилади. Барглари йилдан-йилга катталашиб боради, илдизи эса йўғонлашиб кўп миқдорда озуқ моддалар тўплайди. У ҳаётининг 7-13 йиллари поя ҳосил қилади ва гуллайди.

Уруғ бериш палласига кирган йили баргларининг узунлиги 50-60 см, диаметри 1 метргача етади. Маар-апрел ойларида гуллайди. Генератив



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

новдасининг учида сариқ рангли мураккаб соябончали тўпгул ҳосил қилади, уруғлари май-июн ойларида пишади. Кавраклар кўкат ҳолида деярли ейилмайди. Пичан ҳолида истеъмол қилинади. Каврак уруғида 14-19% протеин, 8% ёғ, 37-47% АЭМ ва 23-27% клетчатка бор. Каврак поясидан чиқадиган чирк «асафетида»дан шарқ тиббиётида фойдаланилади, илдизидан каврак крахмали олинади. Адир ва тоғ олди яйловларини бойитишда қўлланилиши мумкин.

1-жадвал

**Хўжаликда ердан фойдаланиш**

| **Кўрсаткичлар** | **га** | **%** |
|---|---|---|
| Жами ер майдони | 159861 | 100 |
| Ишлов | 159783 | 99.95 |
| Шу жум.саксавуллар | 120.000 | 75.1 |
| Ахоли яшайдиган худудлар | 78 | 0.049 |

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики хўжаликнинг жами ер майдони 159861 гектар бўлиб шундан 159783 гектари яйловлардан иборатдир бу эса хўжаликнинг умумий ер майдонининг 99.95% ни ташкил қилади. Хўжаликнинг яйловининг 75.1% ни тбиий бутазор ва саксовулзорлар ташкил қилади.

2-жадвал

**Хўжаликда ем-хашак тайёрлаш.**

| **Озиқа тури** | **Ўлчов бирлиги** | **2011** | **2012** | **2013** |
|---|---|---|---|---|
| Дағал хашак | ц | 88150 | 54380 | 34926 |
| Омухта ем | ц | 7445 | 2337 | 15594 |



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

Юқоридаги жадвал маълумотларида кўриниб турибдики хўжаликда 2011 йилда 88150 центнер дағал хашак тайёрланган. 2012 йилда 2011 йилга нисбатан 33770 центнер кам дағал хашак, 5108 центнер кам озуқа тайёрланган. 2013 йилда 2012 йилга нисбатан 19454 центнер дағал хашак кам жамғарилган, лекин озуқа етиштириш 13257 центнер ортиғи билан бажарилган буни йилнинг оғир келганлиги дағал хашакнинг кам жамғарилганлиги ва ҳосилдорлигининг паст бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин.

3-жадвал

**Хўжаликда чорва мол бош сони.**

| **Кўрсаткичлар** | **Ўлчов бирлиги** | **2011** | **2012** | **2013** |
|---|---|---|---|---|
| Жами қўйлар | бош | 70000 | 71223 | 56200 |
| Отлар | бош | 162 | 171 | 185 |
| Туялар | бош | 177 | 186 | 198 |

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики хўжаликда чорвамоллар бош сони йилдан йилга купайиб борган 2013 йилда қўйлар 56200 минг бош бўлса 2012 йилда 15023 бош га камайган. Шунингдек от ва туялар сони ҳам йилдан йилга кўпайиб борган. 2011 йилга нисбатан 2013 йилда отлар 23 бошга, туялар эса 21 бошга кўпайган.

4-жадвал

**Хўжаликнинг пода структураси.**

| **Кўрсаткичлар** | **2011** | **2012** | **2013** |
|---|---|---|---|
| Жами қўйлар;<br>Шу жумладан | 70000 | 71223 | 56200 |
| Она қўйлар | 45000 | 46000 | 40912 |
| Ўстиришга қолдирилган урғочи қўзилар | 15795 | 16486 | 13320 |
| Наслли қўчқорлар | 2850 | 2906 | 1968 |



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, хўжалик чорва молларининг асосий қисмини совлиқлар ташкил этиб, 2013 йилда 64,3 %, 2012 йилда 60,5 %, 2013 йилда 61.6% ташкил қилган. Хўжаликда наслли қўчқорлар жами қўйларнинг 2013 йилда 4,1 %, 2013 йилда эса 3,9 % ни ташкил қилган. Ўтган йили тўғилган урғочи қўзилар 2013 йилда жами қўйларнинг 22.7 % ни ташкил этган.

5-жадвал

**Хўжаликда махсулот ишлаб чиқариш**

| **Кўрсаткичлар** | **Ўлчов бирлиги** | **2011** | **2012** | **2013** |
|---|---|---|---|---|
| Қоракўл тери | дона | 12100 | 11450 | 11282 |
| Жун | ц | 1179 | 1181 | 1183 |
| Гўшт | ц | 2062 | 2072 | 2074 |
| Ширдон | дона | 9340 | 8000 | 8000 |

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики хўжаликда 2013 йилда 12100 дона қоракўл тери ишлаб чиқарилган яъни 650 дона қора кўл тери кам ишлаб чиқарилган, 2013 йилда ўтган йилга нисбатан 168 дона қоракўл тери кам ишлаб чиқарилган. Жун ва гўшт ишлаб чиқариш 3 йил мобайнида ҳам 2 тсентинердан кўпайиб борган. Ширдон ишлаб чиқариш аксинча 2013 йилга нисбатан 2012-2013 йилларда 1340 донага кам ишлаб чиқарилган.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

6-жадвал

**Хўжаликда махсулот сотиш.**

| Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | 2011 | 2012 | 2013 |
|---|---|---|---|---|
| Қоракўл тери | дона | 12127 | 10388 | 11344 |
| Жун | ц | 1256 | 1677 | 1288 |
| Гўшт | ц | 2063 | 2072 | 2074 |
| Ширдон | дона | 9340 | 8000 | 8000 |

Юқоридаги жадвал маъумотлардан кўриниб турибдики хўжаликда 2013 йилда 12127 дона қоракул тери сотилган,2012 йилда 2013 йилга нисбатан 1739 дона кам сотилган.2013 йилда 2012 йилга нисбатан 1956 дона тери кўп сотилган.жун ва гушт ишлаб чиқариш ҳам йилдан йилга кўпайиб борган, ширдон ишлаб чиқариш эса 2013 йилгта нисбатан 2012-2013 йилларда 1340 донадан кам сотилган.

7-жадвал

**Хўжаликда маҳсулотни сотиш баҳоси.**

| Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | 2011 | 2012 | 2013 |
|---|---|---|---|---|
| Қоракўл тери | дона | 14080 | 17435 | 23515 |
| Жун | ц | 49535 | 45000 | 85550 |
| Гўшт (тирик вазнда) | ц | 82000 | 9000 | 9400 |
| Ширдон | дона | 300 | 450 | 800 |

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, хўжаликда ишлаб чиқарилган 1 дона қоракўл тери 2013 йилда 23515 сўмга, 2011 йилда эса 14080 сўмга, 2012 йилда эса 17458 сўмга сотилган. 2013 йилда бир



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

центнер жун 85550 сўмга, гўшт тирик вазнда 94000 сўмга, бир дона ширдон 800 сўмга сотилди.

8-жадвал

**Хўжаликда маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи (сўм)**

| Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | 2011 | 2012 | 2013 |
|---|---|---|---|---|
| Қоракўл тери | дона | 9110,2 | 13688,8 | 16018,5 |
| Жун | ц | 32365 | 40165 | 45074 |
| гўшт (тирик вазнда) | ц | 101564 | 120885 | 175688 |

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, хўжаликда ишлаб чиқарилган 1 дона қоракўл терининг таннархи 2013 йилда 9110,2 сўм, 2012 йилда 13688,8 сўм бўлди. 2013 йилда эса бир дона қоракўлнинг таннархи 16018,5 сўмни ташкил қилди.

2013 йилда хўжаликда жун ва гўшт ишлаб чиқариш учун бўлган харажатлар 1 ц жун учун 45074 сўмни, 1 ц гўшт учун 175688 сўмни ташкил қилди. Хўжаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархнинг йилдан-йилга кўтарилишига сабаб ёқилғи маҳсулотларининг баҳосининг нархининг ошганлиги билан изоҳлаш мумкин.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

## III. Танланган мавзу бўйича муаммоларнинг қўйилиши ва қўлланиладиган услубиётлар

Тажрибани тадқиқот қисми ишлаб чиқариш амалиёти даврида Навоий вилояти Конимех туманига қарашли “Сарибел” ширкат хўжалигида ўтказилган.

Қўзилатиш компанияси даврида олинган қора қоракўл қўзилар яккама – якка бонитровка қилиниб қуйдаги белгилари ўрганиб чиқилди.

-Қўзиларнинг тирик вазни 0,1 кг аниқликда ўлчай оладиган пружинали тарозида ўлчаб олинди.

-Сағри қисмидаги жун толаларининг узунлиги қалами гулларининг эни ва узунлиги миллиметрли линейкалар ёрдамида 1мм аниқликгача ўлчаб олинди.

-Қўзиларнинг конситутсия типи, терисининг қалинлиги, зичлиги ва терисининг танага нисбатан ортиқлиги сезги органлари ёрдамида чамалаб аниқланади.

-Қўзилар жун қоплами рангининг оч тўқлиги, ипаксимонлиги, ялтироқлиги, қалинлиги , майин терилиги қўл ва кўз ёрдамида аниқланади.

-Турли шакилдаги гулларнинг ўзаро нисбати, гул ўлчами, гулларининг махкамлиги, расмининг аниқлиги, жойлашиш тартиби, бош қисмининг гуллар билан қопланиши даражаси, қўзиларнинг барра типи ва класслари амалдаги қоракўлчиликда насилчилик ишларини юргизиш инструксиясига мувофиқ аниқланади.

-Ўлчов асбоблари ёрдамида олинган қўзиларнинг тирик вазни, жун толасининг узунлиги, қалами гулларнинг эни ва узунлиги тўғрисидаги рақамлар биометрик статистика (Н.А.Плохиниский, 1969) усули билан ишлаб чиқилди.

-Таққослаш йўли билан олинган сифат кўрсаткичлари оддий арифметик усул билан ишлаб чиқилиб , фоизларда ифода этилади.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

-Тажриба натижаларини тахлил қилишда тўқ қора, ўртача қора ва оч қора қўзиларнинг ҳар қайси гуруҳидан 40 бошдан олиниб уларнинг кўрсатгичлари гуруҳлараро таққослаб кўрилди.

-иқтисодий самарадорлигини соф фойдани таннархга нисбати билан аниқланади.

-ишдаги рақамли натижалар биометрия усулида ишланиб умумлаштирилади (Я-Арифметик ўртача қиймат, τ-ўртача квадратик оғиш, Cv-ўзгарувчанлик коэффициенти, ±m-ўртача арифметик хато, Тг-икки вариация қатор) арифметикўртача қийматлар солиштирилиб (Р-эхтимоллик, $P<0{,}05$, $P<0{,}01$, $P<0{,}0001$ топилади). А.А.Плохинский 1968. Сифат кўрсаткичлари фоизларда ҳисобланди.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

# IV. АСОСИЙ ҚИСМ.

## Мавзунинг ечими ва унинг ёритилиши

### 4.1. Қоракўл қўзиларнинг конситутсияси.

Жун қоплами рангининг оч–тўқлиги турлича бўлган қора қоракўл қўзиларининг конситутсия типлари бўйича тақсимланиши жадвалда кўрсатилган.

9-жадвал

**Жун қоплами пигменттатсияси турлича бўлган қора қоракўл қўзиларининг конситутсия типлари**

| Қўзилар жун қоплами пигментатсияси | Ҳисобга олинган қўзилар сони | Шу жуладан конститутсия типлари бўйича % | | |
|---|---|---|---|---|
| | | Нозик конситуциялилар | Мустаҳкам конституциялилар | Қўпол конституциялилар |
| Тим қора | 40 | 7,5 | 67,3 | 25,0 |
| Қора | 40 | 2,5 | 80,0 | 17,5 |
| Қораси етарсиз | 40 | 30,0 | 57,5 | 12,5 |

Жадвалда келтирилган рақамлардан маълум бўлишича , қора қоракўл қўзилар жун қопламини пигментатсияси билан улар конситутсия типлари ўртасида маълум боғланиш мавжуддир. Энг кўп сони (80%) мустаҳкам конситутсиялилар жун қопламининг ранги қора қўзилар орасида учрайди. Жун қопламининг ранги тим қора қўзилар орасида қўпол конститутсиялилар кўпроқ кам (12,5%) нозик конситутсиялилар кўп (30% гача) бўлади. Жун қопламининг ранги тим қора қўзилар орасида қўпол конститутсиялилар кўпроқ (25 % гача ) бўлиши билан бир қаторда улар орасида нозик конситутсияли қўзилар ҳам учрайди.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com



**1-расм.**



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

## 4.2.Қоракўл қўзиларнинг тирик вазни.

Жун қоплами пигментатсияси турлича бўлган қора қоракўл тирик вазни жадвалда кўрсатилган.

10-жадвал

**Жун қоплами пигментатсияси турлича бўлган қора қоракўл тирик вазни**

| Қўзиларнинг жун копламининг пингментацияси | Қўзилар сони | Ўртача тирик вазни Кг M±m | Квадрат оғишма (сигма) | Ўзгарувчанлик коэффиценти Cv |
|---|---|---|---|---|
| Тим қора | 40 | 4,93±0,13 | 0,84 | 17,1 |
| Қора | 40 | 4,43±0,10 | 0,65 | 14,6 |
| Қораси етарсиз | 40 | 4,41±0,15 | 0,97 | 22,2 |

Жадвал келтирилган рақамлардан маълум бўлишича қора қоракўл қўзилар жун қоплами рангининг пигментатсияси билан уларнинг тирик вазни ўртасида бироз боғланиш мавжуддир. Қўзилар жун қоплами ранги шунча тўқ бўлса уларнинг ўртача тирик вазни ҳам шунчалик юқори бўлади. Масалан тўқ қора қўзиларнинг ўртача тирк вазни қора сметареиз қўзилардан 0,524 0,202 кг ортиқдир ўртадаги фарқ статистик жиҳатдан унча ишонарли бўмаса ҳам, қора қўзилар жун қоплами рангининг уларнинг тирик вазнининг ортишига ижобий таъсир кўрсатади деб айтиш мумкун.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com



## 4.3.Тери тўқимасининг қалинлиги.

Жун қоплами рангининг пигментатсияси турлича бўлган қора қоракўл қўзилари тери тўқимасининг қалинлиги қуйидаги жадвалда кўрсатилган.

11-жадвал

**Пигментатсия турлича бўлган қора қоракўл қўзиларининг тери тўқимаси қалинлиги бўйича бўлиниши.**

| Қўзилар жун қоплами пигментатсияси | Ҳисобга олинган қўзилар сони | Шу жуладан тери тўқимасининг қалинлиги бўйича % | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Териси жуда юпқа | Териси юпқа | Териси қалинлашган | Териси қалин |
| Тим қора | 40 | _ | 37,5 | 30,0 | 32,5 |
| Қора | 40 | _ | 50,0 | 35,0 | 15,0 |
| Қораси етарсиз | 40 | 30,0 | 45,0 | 32,5 | 10,0 |



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

Жадвалда келтирилган маълумотлар шуни кўрсатиб турибдики, қора қоракўл қўйилар жун қоплами рангининг пигментатсияси билан тери тўқимасининг қалинлиги ўртасида маълум бўлиниш мавжуддир. Қоракўл қўзилар жун қоплами рангининг сусая бороши билан улар орасида териси қалин ва териси бироз қалинлашган қўзиларнинг сони камайиб, териси юпқа ва терисида жуда юпқа  қўзилар кўпаяди. Тери тўқимасининг қалинлиги бўйича энг кўп сонли мақсадга муофиқ қўзилар жун қопламининг ранги қора қўзилар орасида учрайди. Жунининг ранги қора симтореиз қўзилар орасида учрайдиган тери тўқимаси жуда юпқа қўзилар мақсага муофиқдир. Чунки, уларнинг териси ҳаддан ташқари юпқа бўлиши билан, чидамсиз, жуни сийрак, жунлар бўш бўлиши мумкин.

## 4.4.Тери тўқимасининг зичлиги

Жун қоплами рангининг пигментатсияси турлича бўлган қора қоракўл қўзиларининг тери тўқимасининг зичлиги қуйидаги жадвалда келтирилган.

12-жадвал

**Жун қоплами рангининг пигментатасияси турлича бўлган қора қоракўл қўзилар тери тўқимасининг зичлиги.**

| Қўзилар жун қоплами пигментатсияси | Ҳисобга олинган қўзилар сони | Шу жуладан тери тўқимасининг зичлиги бўйича % | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Териси жуда зич | Терисининг зичлиги ўртача | Терисининг зичлиги етарли эмас | Териси бўш |
| Тим қора | 40 | 2,5 | 77,5 | 20,0 | _ |
| Қора | 40 | 10,0 | 75,0 | 15,0 | _ |
| Қораси етарсиз | 40 | 5,0 | 70,0 | 7,5 | 17,5 |



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

Жадвалдаги рақамларнинг далолат беришича қор қоракўл қўзилар жун қоплами рангининг пигментатсияси билан уларда тери тўқимасининг зичлиги ўртасида маълум боғланиш мавжудга ўхшайди. Жун қопламининг ранги қора қўзилар ўртасида тери тўқимаси жуда зич ва терисинг зичлиги ўртача бўлган қўзилар энг кўп (85 фоизини) сонини ташкил этади. Жун қопламининг ранги қора қўзилар орасида тери тўқимасининг зичлиги етарли даражада бўлмаган кўпрок учрагани ҳолда, жуннинг ранги қора симтореиз қўзилар орасида тери тўқимаси бўш қўзилар анчагина микдорини (17,5 фоизини) ташкил қилади.

**4.5.Тери запаси (захираси).**

Жун қоплами рангининг оч-тўқлиги турлича бўлган қора қоракўл қўзилар терисининг танига нисбатан ортиқлик даражаси (тери зонаси) қуйидаги жадвалда кўрсатилган.

13-жадвал

**Рангининг оч-тўқлиги турлича бўлган қора қоракўл қўзилар терисининг танага нисбатан ортиқлик даражаси.**

| **Қўзилар жун қоплами пигментатсияси** | **Ҳисобга олинган қўзилар сони** | **Шу жуладан терисининг танага нисбатан ортиқлиги бўйича %** | | |
|---|---|---|---|---|
| | | **Териси танага таранг тортилган** | **Териси танасига эркин тушиб туради** | **Териси танасига нисбатан кенг** |
| Тим қора | 40 | 12,5 | 67,5 | 20,0 |
| Қора | 40 | 2,5 | 85,0 | 12,5 |
| Қораси етарсиз | 40 | 32,5 | 37,5 | 27,5 |

Келтирилган маълумотлар шундан далолат бериб турибдики, қора қоракўлқўзилар жун қоплами рангини оч-тўқлиги билан қўзилар терисининг танага нисбатан ортиқлик даражаси ўртасида тўғридан-тўғри боғланиш бўлмаса ҳам, сектсия учун қандайдир ахамияти бўлган алоқа яққол кўзга



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

ташланади. Чунончи энг кўп сонли териси танасига эркин тушиб турадиган қўзилар (85 фоизгача) жуни ортача қора қўзилар бу кўрсатгич бўйича бир-биридан кескин фарқ қилади. Яъни улар орасида териси танасига таранг тортилиб турган қўзилар билан бир қаторда териси танасига нисбатан кенг қўзилар ҳам кўп учрайди, Бундай тафовуд тўқ қора қўзилар орасида ҳам бор, лекин улар орасидаги фарқ кескин эмас.

## 4.6.Жун толасининг узунлиги

Пигментатсияси турлича бўлган қора қоракўл қўзилар сағри қисмидан жун толасининг узунлиги қуйидаги жадвалда кўрсатилган.

14-жадвал

**Пигментатсияси турлича бўлган қора қоракўл қўзилар жун толасининг узунлиги.**

| Қўзилар жун қоплами пигментатсияси | Ҳисобга олинган қўзилар сони | Шу жуладан терисининг танага нисбатан ортиқлиги бўйича % | | |
|---|---|---|---|---|
| | | Сарғисидаги толасининг ўртача узунлиги | Квадрат қисми (сиғими) мм | Нотекислик нисбати (C), % |
| Тим қора | 40 | 10,65± 0,39 | 2,36 | 24,7 |
| Қора | 40 | 10,42± 0,34 | 2,17 | 20,8 |
| Қораси етарсиз | 40 | 9,53 ±0,35 | 2,23 | 23,5 |

Жадвалда кўрсаитлган маълумотлар шуни айтиши мумкинки, қора қоракўл қўзилар рангининг пигментатсияси билан улар толасининг узунлиги ўртасида маълум боғланиш мавжуддир. Қора синтореиз қўзиларнинг сағри қисмидаги жун толасининг узунлиги тўқ қора қўзиларникидан 1,12+0,51 мм калтарокдир, Бундан шундай фикр чиқариш мумкинки, жун таркибида



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

меланин моддасининг камлиги толаларнинг ўсишига салбий таъсир кўрсатади.

## 4.7. Жун қопламининг қалинлиги.

Пигментатсияси турлича бўлган қора қоракўл қўзилар жун қопламининг қалинлиги бўйича тақсимланиши қуйидаги жадвалда кўрсатилган.

15-жадвал

**Пигментатсияси турлича бўлган қора қоракўл қозиларининг жун қоплами қалинлиги бўйича тақсимланиши.**

| Қўзилар жун қоплами пигментатсияси | Ҳисобга олинган қўзилар сони | Шу жуладан тери тўқимасининг зичлиги бўйича % | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Жуни жуда қалин | Жуннинг қалинлиги ўртача | Жуннинг қалинлиги етарли эмас | Жун сийрак |
| Тим қора | 40 | 47,5 | 35,0 | 17,5 | _ |
| Қора | 40 | 37,5 | 55,0 | 7,5 | _ |
| Қораси етарсиз | 40 | 40,0 | 37,5 | 17,5 | 5,0 |

Жадвалда киритилган маълумотлардан кўриниб турибдики жун қопламининг ранги қора бўлган қўзилар орасида мақсадга муофиқ қўзилар яъни жуда қалин ва жуннинг қалинлиги ортача бўлган қўзилар кўп (92,5 фоизгача) бўлади. Қора сиетореиз қўзилар орасида жуни сийрак қўзилар ҳам учрайди. Тўқ қора қўзилар орасида жуни жуда зич қўзилар кўп бўлиши билан бир каторда, жуннинг зичлиги етарли бўлмаган қўзилар ҳам кўпроқ (17,5 фоизгача) учрайди.

## 4.8. Ипаксимонлиги

Пигментатсияси турлича бўлган қора қоракўл қўзилар жунининг ипаксимонлиги даражаси жадвалда келтирилган.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

16-жадвал

**Пигментацияси турлича бўлган қора қоракўл қўзилар жун қопламасининг ипаксимонлиги даражаси**

| Қўзилар жун қоплами пигментатсияси | Ҳисобга олинган қўзилар сони | Шу жуладан жун қоламининг ипаксимонлиги бўйича % | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Ўта ипаксимон | Нормал ипаксимон | Ипаксимонлиги етарли эмас | Жуни дағол | Жун қуруқ |
| Тим қора | 40 | 15,0 | 80,0 | 5,0 | _ | _ |
| Қора | 40 | 2,5 | 87,5 | 10,0 | _ | _ |
| Қораси етарсиз | 40 | _ | 52,5 | 40,0 | 5,0 | 2,5 |

Жадвалда кўрсаитлган маълумотлар шуни айтиши мумкинки, қора қоракўл қўзилар рангининг пигментатсияси билан улар ипаксимонлик даражаси ўртасида маълум боғланиш мавжуддир.

Жуннинг қопламининг ранги тим қора қўзилар орасида жуни ўта ипаксимон қўзилар кўп,жуннинг ипаксимонлиги етарли бўлмаган қўзилар кўп бўлиши билан бир қаторда жуни дағал, жуни қуруқ қўзилар ҳам учрайди. Жун қопламининг ранги қора бўлган қўзиларларнинг аскарий қисмида (87,5%) жунлари нормал ипаксимонликга эгадир.

## 4.9.Ялтироқлиги.

Пигметацияси турлича бўлган қора қоракўл жун қопламининг ялтироқлик даражаси.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

17-жадвал

**Пигметацияси турлича бўлган қора қоракўл жун копламининг ялтироқлик даражаси.**

| Қўзилар жун копламини пингметацияси | Ҳисобга олинган қўзилар сони | Шу жумладан жун копламининг ялтироқлиги бўйича, % | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | жуни кучли ялтироқ | жуни нармол ялтироқ | жунининг ялтироқлиги етарли эмас | жуни ипаксимон ялтирок | жуни ялтироқсиз |
| Тим қора | 40 | 57,5 | 37,5 | - | 5,0 | - |
| Қора | 40 | 10,0 | 85,0 | 2,5 | 2,5 | - |
| Қораси етарсиз | 40 | 2,5 | 42,5 | 47,5 | 5,0 | 2,5 |

Жадвалда келтирилган рақамлардан маълум бўлишича қора қоракўл қўзилар жун коплами рангининг пингметацияси билан, улар жунининг ялтироқлик даражаси ўртасида катта боғланиши мавжуддир. Хусусан жун копламининг ранги тим қора қўзиларнинг кўпчилигида (57,5%) жуни кучли ялтироқликка ҳам эгадир. Жун копламининг ранги краси етарсиз қўзилар орасида жунининг ялтироқлиги етарли бўлмаган қўзилар сони кўп (47,5%) бўлиши билан бир каторда улар орасида жуни ипаксимон ялтироқ, жуни ялтироқсиз қўзилар ҳам учраб туради. Жунинг ранги кўтача қора қўзиларнинг аскарий қисмида (85%) жуни нармал ялтироқликка эгадир.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

## 4.10.Майли-тери.

Рангининг оч-тўқлиги турлича бўлган қора қоракўл қўзилар жун қопламининг майли-терлилик даражаси жадвалда кўрсатилган.

18-жадвал

**Рангининг оч-тўқлиги турлича бўлган қора қоракўл қўзилар жун қопламининг майли-терлилик даражаси.**

| Қўзилар жун қоплами рангининг оч-тўқлиги | Ҳисобга олинган қўзилар сони | Шу жумладан жун қопламининг майли-терлиги бўйича,% | | |
|---|---|---|---|---|
| | | Майли-тери кўп | Майли-тери ўртача | Майли-тери кам |
| Тим қора | 40 | 32,5 | 42,5 | 25,0 |
| Қора | 40 | 35,0 | 47,5 | 17,0 |
| Қора етарсиз | 40 | 15,0 | 32,5 | 52,5 |

Жавалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, жун қопламининг оч-тўқлиги бўйича турли гуруҳларга киритилган қўзиларда жунинг майли-терлилик даражаси ҳам бир хил бўлмади. Жуннинг майли – тери бўйича жуни ўртача қора қўзилар иккинчи ўринни эгаллаган ҳолда, жунининг ранг оч қора қўзилар охирги эгаллайди. Жун қопламининг ранги оч қора қўзилар орасида майли – тери кўп қўзилар жуда кам бўлгани ҳолда, майли-тери кам қўзилар мазкур гуруҳдаги қўзиларнинг яримдан кўпироғини ташкил қилади.

## 4.11.Ҳар-хил шаклдаги гулларнинг ўзаро нисбати.

Жун қоплами ранининг пингментацияси турлича бўлган қоракўл қўзилар устини қоплаган ҳар хил шаклдаги гулларнинг ўзаро нисбати.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com



19-жадвал

**Жун қоплами ранининг пингментацияси турлича бўлган қоракўл қўзилар устини қоплаган ҳар хил шаклдаги гулларнинг ўзаро нисбати.**

| Қўзилар жун қоплами пингментацияси | Ҳисобга олинган қўзилар сони | Қўзилар устидаги ҳар хил шаклдаги гулларнинг нисбати,% | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Қалам гуллар | Ловиясимон гуллар | Ёл гулар | Халқа гуллар | Нўхат гуллар | Парма гуллар | Ялоқ гуллар | Шаклсиз гуллар | Жами: |
| Тим қора | 40 | 50,9 | 30,2 | 17,8 | 0,5 | - | - | 0,6 | - | 100,0 |
| Қора | 40 | 44,0 | 41,5 | 13,1 | 0,6 | 0,6 | - | - | 0,2 | 100,0 |
| Қораси етарсиз | 40 | 36,5 | 40,4 | 15,5 | 3,5 | 2,5 | 0,5 | 1,5 | 0,5 | 100,0 |



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, тим қора қўзиларда қаламгуллар нисбати қораси етарсиз қўзиларига нисбати 14,4% , қора қўзилардагича нисбатан 6,9% юқоридир. Жун копламининг ранги қораси етарсиз қўзиларда энг қимматли гулларнинг камайиши бир каторда, уларда ҳалқа гул, нўхат гул, парма гул, ялоқ гуллар ва шаклсиз гулларнинг нисбатан ҳам ортиқлиги ёққол кўзга ташланиб турибди.

## 4.12. Гул ўлчами.

Жун қоплами пингметацияси турлича бўлган қўзиларнинг гул ўлчамлари бўйича тақсимланиши.

20-жадвал.

**Жун қоплами пингметацияси турлича бўлган қўзиларнинг гул ўлчамлари.**

| Қўзилар жун қоплами рангининг пингментацияси | Ҳисобга олинган қўзилар сони. | Шу жумладан гул ўлчамлар бўйича,% | | |
|---|---|---|---|---|
| | | Майда гуллилар | Ўрта гуллилар | Катта гуллилиар |
| Тим қора | 40 | 5,0 | 45,0 | 50,0 |
| Қора | 40 | - | 62,5 | 37,5 |
| Қораси етарсиз | 40 | 10,0 | 75,0 | 15,0 |

Жадвалда кўрсатилган рақамлардан маълум бўлишича, қора қоракўл қўзилар жун қопламининг рангининг пингментацияси билан, уларнинг гул ўлчамлари ўртасида муаян боғланиш мавжуддир. Чунончи, қўзилар жун қопламининг сусайиши, улар орасида майда ва ўрта гулли қўзиларнинг сони кўпайиб, катта гулли қўзилар сонининг камайишига олиб келади. Хусусан ранги қораси етарсиз қўзилар орасида майда ва ўрта гулли қўзилар сони 85% ни ташкил қилади. Бу эса ўз навбатида ранги қораси етарсиз қўзиларнинг она қорни камроқ ривожланганлигидан далолат беради.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

## 4.13.Қаламгулларнинг эни.

Жун қоплами пингметацияси турлича бўлган қоракўл қўзилар қалам гулларнинг эни (кенглиги).

21-жадвал

**Рангининг пингметацияси турлича бўлган қоракўл қўзилар қалам гулларнинг эни.**

| Қўзилар жун қоплами рангининг пингментацияси | Ҳисобга олинган қўзилар сони. | Қаламгулларнинг ўртача эни, мм (М±м) | Квадрат оғиши (сигма δ) мм | Нотекислик нисбати (с), %. |
|---|---|---|---|---|
| Тим қора | 40 | 8,10±0,36 | 2.26 | 28,0 |
| Қора | 40 | 7,72±0,26 | 1,65 | 21,4 |
| Қораси етарсиз | 40 | 6,80±0,30 | 1,90 | 27,9 |

Жадвал маълумотларидан кўриниб турубдики, қора қоракўл қўзилар жун қоплами рангининг пингментациясига қараб қаламгулларнинг эни билан маълум даражада боғлангандир. Хусусан қораси етарсиз қўзилардаги қаламгулларнинг эни тим қора қўзилар устидаги қаламгулларнинг энидан 1,30±0,46 мм камдир. Бошқача қилиб айтганда, қора қўзилар жун қоплами рангининг сусайиши қаламгулларнинг энининг ортишига салбий таъсир кўрсатади.

## 4.14.Қалам гулларнинг узунлиги бўйича бўлиниши.

Жун қоплами рангининг пингментацияси турлича бўлган қора қоракўл қўзиларнинг қалам гуллар узунлиги бўйича тақсимланиши жадвалда кўрсатилган.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

22-жадвал

**Жун қоплами рангининг пингментацияси турлича бўлган қора қоракўл қўзиларнинг қаламгул узунлиги бўйича бўлиниши.**

| Қўзиларнинг жун қоплами пингментацияси | Ҳисобга олинган қўзилар сони | Шу жумладан қаламгулларнинг узунлиги бўйича, % | | |
|---|---|---|---|---|
| | | Узун қаламгуллар | Ўртача узунликдаги қаламгуллар | Калта қаламгуллар |
| Тим қора | 40 | 42,5 | 55,0 | 2,5 |
| Қора | 40 | 27,5 | 70,0 | 2,5 |
| Қораси етарсиз | 40 | 25,0 | 52,5 | 22,5 |

Жадвал рақамларидан маълум бўлишича, қора қоракўл қўзилар жун қопламининг рангининг пигментацияси билан, улардаги қалам гулларнинг узунлиги ўртасидаги ўзаро боғланиши мавжудлиги кўзга ташланди. Хусусан жун қоплами тим қора қўзилар орасида узун қаламгулли қўзилар кўп (42,5%) гача учрагани ҳолда, калта қалам гулли қўзилар қораси етарсиз қўзилар орасидагидан 10 барабар кам учрайди. Жун қоплами рангининг сусайиши узун қалам гулли қўзиларнинг кўпайишига олиб келади.

### 4.15.Қаламгулларнинг ўртача узунлиги.

Жун қоплами пингментацияси турлича бўлган қора қоракўл қўзилар қаламгулларининг ўртача узунлиги жадвалда келтирилган.

23- жадвал

**Пингментацияси турлича бўлган қора қоракўл қўзилар қаламгулларининг ўртача узунлиги.**

| Қўзиларнинг жун қоплами пингментацияси | Ҳисобга олинган қўзилар сони | Қалам гулларнинг ўртача узунлиги | Квадрат оғиш (сигма τ ) | Нотекислик нисбати (с), % |
|---|---|---|---|---|
| Тим қора | 40 | 45,1±2,43 | 15,4 | 34,1 |
| Қора | 40 | 39,2±1,92 | 13,2 | 33,8 |
| Қораси етарсиз | 40 | 34,8±2,35 | 14,8 | 42,5 |



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, қора қўзилар жун қоплами рангининг пингментацияси қалам гулларнинг узунлиги билан маълум даражада боғлангандир. Чўпончи жун копламининг рангининг сусая бориши билан қаламгулларнинг ўртача узунлиги ҳам камайиб беради. Масалан: тим қора қўзиларникидан 10,3±3,37мм ортиқдир, орасидаги фарқ статистик жиҳатдан ишонарлидир.

### 4.16.Гулларнинг мустаҳкамлиги.

Жун қоплами пингментацияси турлича бўлган қора қоракўл қўзиларнинг маҳкамлик даражаси бўйича бўлиниши.

24-жадвал

**Жун қоплами пингментацияси турлича бўлган қора қоракўл қўзилар гулларининг маҳкамлиги.**

| Қўзилар жун қоплами пингментацияси | Ҳисобга олинган қўзилар сони | Шу жумладан гулларнинг маҳкамлиги бўйича, %. | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Гуллари жуда маҳкам | Гулларнинг маҳкамлиги ўртача | Гулларнинг маҳкамлиги етарли эмас | Гуллари бўш. |
| Тим қора | 40 | 40,0 | 42,5 | 17,5 | - |
| Қора | 40 | 42,5 | 47,5 | 10,0 | - |
| Қораси етарсиз | 40 | 25,0 | 37,5 | 30,0 | 7,5 |

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатиб турибдики, қора қоракўл қўзилар жун қоплами рангининг пингментацияси билан, улардаги гулларининг маҳкамлиги ўртасида маълум боғланиш мавжуддир. Жун қопламининг ранги ўртача қора қўзилар гулларининг маҳкамлиги бўйича биринчи ўринни тим қора қўзилар, иккинчи ўринни эса қора қўзилар эгаллайди. Жунининг ранги қораси етарсиз қўзилар орасида гулининг маҳкамлиги етарли даражада



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

бўлмаган ва гуллари бўш қўзилар кўп (37,5%) гуллари мустахкам қўзилар кам бўлиши билан охирги учунчи ўринни эгаллайди.

## 4.17.Расмининг (нақшининг) аниқлиги.

Жун қоплами рангининг оч- тўқлиги турлича бўлган қора қоракўл қўзилардаги гуллар расмининг (нақшининг) аниқлик даражаси.

25-жадвал

**Жун қоплами рангининг оч- тўқлиги турлича бўлган қора қоракўл қўзилардаги гуллар расмининг (нақшининг) аниқлиги.**

| Қўзилар жун қоплами рангининг оч-тўқлиги | Ҳисобга олинган қўзилар сони | Шу жумладан гуллар расмининг аниқлиги бўйича, %. | | |
|---|---|---|---|---|
| | | Расми аник | Расмининг аниқлиги етарли эмас | Расми ноаниқ |
| Тим қора | 40 | 95,0 | 5,0 | - |
| Қора | 40 | 70,0 | 22,5 | 7,5 |
| Қора етарсиз | 40 | 47,5 | 27,5 | 25,0 |

Жадвал рақамларидан маълум бўлишича, жун қопламининг ранги гуллар хосил қиладиган расмнинг аниқлик даражасига ҳам таъсир кўрсатар экан. Қора рангли қоракўл қўзилар жун қопламининг ранги қанча тўқ бўлса, улар орасида расми аниқ қўзиларнинг солмоғи шунча юқори бўлади, аксинча оч қора қўзилар орасида расмининг аниқлиги етарли бўлмаган ва расми ноаниқ қўзилар сони кўп (52,5%) бўлади.

## 4.18. Қаламгулларнинг жойлашиш тартиби.

Жун қоплами рангининг оч тўқлиги турлича бўлган қора қоракўл қўзилардаги қаламгулларнинг жойлашиш тартиби -жадвалда келтирилган.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

26-жадвал

**Жун қоплами рангининг оч тўқлиги турлича бўлган қора қоракўл қўзилардаги қаламгулларнинг жойлашиш тартиби.**

| Қўзилар жун қоплами рангининг оч-тўқлиги | Ҳисобга олинган қўзилар сони | қаламгулларнинг жойлашиш тартиби | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Ёндош тўғри | Ёндош ярим айланма | Аралаш | Арчасимон | Илон изи | Ноаниқ. бетартиб |
| Тим қора | 40 | 37,5 | 27,5 | 22,5 | 10,0 | 2,5 | - |
| Қора | 40 | 37,5 | 27,5 | 17,5 | - | 2,5 | 15,0 |
| Қора етарсиз | 40 | 37,5 | 22,5 | 10,0 | 2,5 | - | 27,5 |

Жадвалда кўрсатилган рақамлардан маълум бўлишича қора қоракўл қўзилар жун қоплами рангининг оч-тўқлиги билан улардаги қаламгулларнинг жойлашиш тартиби ўртасида деярли ҳеч қандай боғланиш йўқ. Лекин, оч қора қўзилардаги гулларнинг бошқа хусусиятлари ҳам паст бўлганлиги учун улар орасида гуллари бетартиб жойлашган қўзилар кўп учрайди.

### 4.19.Бош қисмининг гуллар билан қопланиш даражаси.

Жун қоплами рангининг оч-тўқлиги турлича бўлган қора қоракўл қўзилар қўзилар бош қисмининг гуллар билан ёки мухаёр расмлар билан қопланиш даражаси  жадвалда кўрсатилган.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

27-жадвал

**Жун қоплами рангининг оч-тўқлиги турлича бўлган қора қоракўл қўзилар қўзилар бош қисмининг гуллар биланқопланиш даражаси.**

| Қўзиларнинг жун қопламининг оч-тўқлиги | Ҳисобга олинган қўзилар сони | Шу жумладан бош қисмдаги гуллари бўйича | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Бошида гуллари жуда яхши | Бошида гуллар яхши | Бошида гуллари кам | Бошида гуллари йўқ |
| Тим қора | 40 | 5,0 | 17,5 | 37,5 | 40.0 |
| Қора | 40 | 10,0 | 27.5 | 52,5 | 10,0 |
| Қора етарсиз | 40 | 20,0 | 20,5 | 27,5 | 32,5 |

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, жун қоплами рангинингоч тўқлиги бўйича турли гуруҳларга киритилган қўзилар бош қисмининг гуллар билан қопланиш даражаси ҳам турличадир. Бош қисмида гуллари жуда яхши бўлган қўзилар (20%) оч қора қўзилар орасида учрайди. Лекин худди шу гуруҳдаги қўзилар орасида бош қисмида гуллари йўқ қўзилар ҳам анчагина миқдорни (32,5%) ташкил қилади. Худди шундай қўзилар тўқ қора орасида (40%) кўп бўлиши қайд қилинди.

**4.20.Қора қоракўл қўзиларнинг барра типи ва класлари.**

Барра типлари: Жун қоплами пигментацияси турлича бўлган қора қоракўл қўзиларнинг барра типлари бўйича тақсимланиши жадвалда кўрсатилган.

28-жадвал

**Жун қоплами пигментацияси турлича бўлган қора қоракўл қўзиларнинг барра типлари бўйича тақсимланиши.**

| Қўзилар жун қоплами пингментацияси | Ҳисобга олинган қўзилар сони | Шу жумладан барра типлари бўйича, % | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | *Жакет* барра типлари | *Ясси* барра типлари | Қовурғасимон барра типлари | Кавказ барра типлари |
| Тим қора | 40 | 67,5 | 22,5 | 5,0 | 5,0 |
| Қора | 40 | 82,5 | - | 7,5 | 10,0 |
| Қораси етарсиз | 40 | 42,5 | 12,5 | 30,0 | 15,0 |



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, қора қоракўл қўзилар жун қоплами пингментацияси билан, барра типлари ўртасида маълум даражада боғланиш борга ўхшайди. Хусусан тим қора қўзилар кўпинча жакет ва ясси барра типларига мансуб бўлгани ҳолда, қораси етарсиз қўзилар орасида қавурғасимон ва кавказ барра типларига киритилган қўзилар кўп бўлди. Жун қопламининг қора қўзиларнинг аскарий қисми (82,5%) жакет барра типига мансубдир.

**4.21.Класллари.**

Жун қопламининг пингментацияситурлича бўлган қора қоракўл қўзиларнинг класслар бўйича тақсимланиши жадвалда кўрсатилган.

30-жадвал

**Жун қопламининг пингментацияси турлича бўлган қора қоракўл қўзиларнинг класслар.**

| Қўзилар жун қоплами пингментацияси | Ҳисобга олинган қўзилар сони | Шу жумладан класслари бўйича, % | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Элита қўзилар қўзилар | Биринчи класс қўзилар | Иккинчи класс қўзилар | Брак қўзилар |
| Тим қора | 40 | 10,0 | 75,0 | 15,0 | - |
| Қора | 40 | 2,5 | 80,0 | 17,5 | - |
| Қораси етарсиз | 40 | 5,0 | 50.0 | 45,0 | - |

Жадвалда келтирилган рақамлардан маълум бўлишича жун қопламининг ранги тим қора бўлган қўзилар орасида элита қўзилар кўп бўлиб, икккинчи классли қўзилар кам учрайди. Жун қопламининг ранги қораси етарсиз бўлган қўзилар орасида иккинчи классли қўзилар жуда кўп бўлиб, биринчи классли қўзилар сони, бошқа қўзиларникидан бир ярим баробар кам учрайди.

Умуман олганда жун қопламининг ранг тим қора ва қора қўзилар мақсадга муофиқ, ранги қораси етарсиз қўзилар мақсадга муофиқ ҳисобланмайди.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

## V. Муоммонинг ечимидан кутилаётган иқтисодий кўрсатгичлар.

Жун қоплами рангининг пингментацияси турлича бўлган қора қоракўл қўзилар терисининг таннархи, тахмин қилинган сотиш қиймати, олинган фойда ёки зарар ва самарадорлик даражаси жадвалда кўрсатилган.

31-жадвал

**Тажрибанинг иқтисодий самарадорлиги**

| Қўзилар жун қоплами пингментацияси | Ҳисобга олинган қўзилар сони | Қўзилар терисининг таннархи (бир донаси 16018,5) | Тахминқилинган баҳоси, сўм | | Натижа Фойда+ Зарар – (сўм) | Самарадорлиги |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | бир донаси | жами | | |
| Тим қора | 40 | 640740 | 21529 | 861160 | +220420 | 34,4 |
| Қора | 40 | 640740 | 19500 | 780000 | +139260 | 21,7 |
| Қораси етарсиз | 40 | 640740 | 15022,7 | 600908 | -39832 | -6,2 |
| Жами ўртача | 120 | 1922220 | 18683,9 | 2242068 | +319848 | 16,6 |

Жадвалдан кўриниб турибдики, жун қопламининг тим қора бўлган қўзилар бир дона терисининг сотиш баҳоси қора қўзиларникидан 2029сўм , қораси етарсиз қўзиларникидан 6506,3 сўм юқори туради. Жун қопламининг ранги тим қора қўзилар терисининг самарадорлиги даражаси энг юқори (34,4%), бўлгани ҳолда қораси етарсиз қўзилар терисининг ҳар биридан 180588сўм (16,6%) зарарга сотилди. Жун қоппламининг ранги қора қўзилар терисининг самарадорлик даражаси 21,7 % ни ташкил қилган бўлса ҳам бу кўрсатгич тим қора қўзиларникидан икки баробар камдир.

Тим қора қўзилар терисининг сотиш баҳосини 100% деб олсак, қораси етарсиз 85,7 % га, қора қўзиларнинг териси 94,5%га тўғри келади.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

# VI. ЭКОЛОГИК МАСАЛАЛАРНИНГ ЁРИТИЛИШИ, ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ВА ТЕХНИК ХАВФСИЗЛИГИ.

Ерни кўпайтириш мақсдида Амударё ва Сирдарёнинг суви Орол денгизига этиб бормаслиги натижасида Қорақолпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларининг ижтимоий ҳаётига қанчадан қанча муаммолар пайдо қилмоқда. Дастлаб ер шўрлаб иқтисодий унумдарлиги камайиб кетмоқда, шўрлаш бошқача қилиб айтганда денгизнинг шўри шамол ёрдамида интенсиве равишда бошқа ҳудудларни қоплаб бормоқда, баликчилик тармоғи катта зарар кўрди. Яккаю ёлғиз ҳисобланган балиқ махсулотларини қайта ишлайдиган завод тўлиқ кувват билан ишламай қўйди. Бу муаммони ҳал қилиш борасида Марказий Осиё Республикаларининг жамоатчилиги нуфузли халқаро ташкилотлар (Юнеско, экосан) қатор тадбирлар уюштирмоқда.

Энг катта ва долзарб муаммоларидан бири бу экологик муаммо. Экологик муаммонинг келиб чиқишига эса инсонларнинг ўзлари сабабчидир. Свилизатсия ривожлангани сари инсонлар табиат билан ўта қўпол муомалада бўлмоқда. Ҳар хил сабаблар билан тирик мавжудодлар нисбатини бузушга ҳаракат қилди. Хусусан ўсимлик ва ҳайвонлар дунёсига бўлган этибор сусайганлиги натижасида, кўпгина турлар эр юзидан йўқолиб кетмоқда. Уларни сақлаб қолиш учун қилинган ҳаракатлар қўриқхона ташкил этиш, қизил китоб жорий этиш ва хоказолар ҳам ижобий натижаларни беравермайди. Ер ости қудуқларини кўпайтириш ва ариқ, дарёларни сувини иқтисод қилиш мақсадида кўплаб сув бўйи ўт ўлан ва ҳайвонлар қирилиб кетди, оқова сувларига саноат ва ижтимоий чиқиндиларнинг ташланиши натижасида сув ифлосланди, бу эса атроф муҳит ҳавосини бузулишига ва инсонлар орасида ҳар хил касалликларни келиб чиқишига сабаб бўлди.

Чорвачликда экологик муаммоларга этибор бериш, экологик талабларга риоя қилиш учун қуйидагиларни бажариш лозим:



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

1. Чорва моллари ва паррандаларини санветекспертизадан ўтган дори-дармонлар билан даволаш ва вакциналар билан эмлашни йўлга қўйиш.

2. Чорвачилик фермалари ва иншоатларини қураётганда ҳудудни зооветеринария холатига этибор бериш. Аҳоли яшайдиган жойларни, катта саноат корхоналари, қабристон жойлашганлиги, захарли моддалар, кимёвий ўғитлар сақланган эски омборларни ҳисобга олиш;

3. Чорва моллари ва паррандаларни соғлигига этибор бериш, касалликларини олдини олиш билаб боғлиқ бўлган зооветеринария чора-тадбирларини ўз вақтида ўтказиш, касалланган молларни дархол подадан ажратиб даволаш йўлларини қилиш;

4. Чорва моллари ва паррандаларига экологик тоза ем хашак бериш, бунинг учун ширали, кўк ва дағал хашакни ичига захарли ўтларни тушурмасликни таминлаш. Омихта емларниеса заводлардан, сехлардан олишдан илгари яхшилаб лабаратория текширувидан ўтказиш.

5. Чорва махсулотларини санветекспертизадан ўтгандан кейингина истемолга чиқаришга эришиш. Касал молларни махсулотларини истемолга чиқармаслик уларни эрга кўмиб юбориш ёки ёндиришни ташкил қилиш.

6. Чорва молларини яйловга чиқаришдан илгари, яйловни ҳар томонлама текшириш, эски иморатлар ва кўтонларни жойини яхшилаб дезинфексия қилиш.

7. Ташқаридан импорт қилинадиган чорва моллари, паррандалари ва уларни махсулотини божхонадан ўтаётганда экспертиза қилиш. Касал молларни ўзини ва уларни махсулотларини ўтишига йўл қўймаслик, бунинг учун эса катта зооветеринария назоратини ўтказиш.

8. Қишлоқ хўжалик ходимларини экологик тоза махсулот ишлаб чиқаришини таминлаш мақсадида доимий равишда режага асосан семинар, ўқиш ва малака оширишни ташкил этиш.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

Чорвачилик фермалари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, паррандачилик фабрикаларида яна бир муҳим тадбир ҳаёт фаолияти хавфсизлигига этибор бериш лозим бунинг учун эса:

1. Молхонада, фабрикада ҳизмат қилаётган ишчи ходимлар билан доимий равишда ҳаёт фаолияти бўйича йўл-йўриқлар ўтказиш. Дастлаб ишга қабул қилинаётган ҳодимни огоҳлантириб махсус китобга имзо қўйдириш лозим.
2. Чорвачилик фермаларида ишлайдиган ҳар бир ходим кийим-кечак билан таминланган бўлиши керак.
3. Озуқа тайёрлайдиган сехдаги механизмлар: гўнг чиқарадиган механизмлар, электр манбаларининг ишлаб турган вақтида қўл текизмаслик ва созламаслик керак. Ушбу механиамларни ишлашдан тўхтатиб кейин тамирлаш керак.
4. Соғин сигирлар билан муомала қилишдан олдин уларни лақабини айтиб бир неча марта чақириш керак, агар ундан ҳайвон реаксия қилса уни ўнг томонидан ёндашиб, соғин апаратини кийдириш, ёки ўлчамлар олиб баҳолашмумкин.
5. Наслли ҳайвонларни ва махсулдорлиги бўйича рекорд бўлган ҳайвонларни намойишларга олиб чиқиш учун махсус эталагич ясатиш керак ва ўша ёрдамида олиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.
6. Ҳайвонларни бир жойдан иккинчи жойга кўчирганда, гўштга топширганда, кўргазмага олиб борганда авто уловни махсус жихозлаш керак, ҳайвонларни шикастланишига йўл қўймаслик учун, уларни талаб даражасида жойлаштиришга эришиш лозим;
7. Ҳар бир ферма қошида ҳодимлар шикастланганда бирламчи тиббий ёрдамни кўрсатиш учун зарур бўлган дори-дармонлар аптечкаси бўлиши зарур
8. Ҳар бир фермада ходимлар ечиниб махсус кийимларини киядиган хона бўлиши керак.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

9. Хўжалик ҳисобидан ҳаёт фаолияти ва техника хавфсизлиги тадбирлари учун молиявий режа тузаётганда маблағ ажратилиши шарт. Ажратилган маблағни бир қисми тадбирлар учун сарфланса бир қисми шкастланган ҳодимларни соғлигини тиклашга ва уларни санаторияларга дам олиши учун сарфланади.

10. Касб-ҳунар коллежларида кўзда тутилган мавзуга қараб ва амалий ва лабаратория дарсларида қўлланиладиган асбоб ускуналар, лабаратория анжомлари, кимёвий моддалардан фойдаланишда ҳам ҳаёт фаолияти хавфсизлигига катта этибор бериш керак.

11.Екология, ҳаёт ва техника хавфсизлиги масалаларини амалга ошириш учун ҳар бир жорий йилнинг бошидан махсус режа тузилади ва тасдиқланади. Ҳар бир соҳа ёки экологик, ҳаёт фаолияти ва техника хавфсизликлари бўйича алоҳида алоҳида масул ҳодим тайинланади. Барча жавобгарлик ишлари ушбу шахс зиммасига юкланади. Режа тасдиқланган йиғилишда ҳисобот йилида ушбу муаммоларни ечими бўйича қилинган ишлар таҳлил қилинади. Ҳар бир бажарилган банди бўйича сифатли ишлар самараси айтиб ўтилади. Бажарилмаган бандларини бажармаслик сабаблари аниқланади, бажариш учун масул бўлган шахслар огохлантирилади. Келгуси режалар аниқлаб олинади.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

## ХУЛОСАЛАР.

Ўтказилган тажрибанинг натижаси қуйдаги хулосаларни қилиш имкониятини беради:

1.Қора қоракўл қўзилар жун қоплами рангининг пингментацияси энг муҳим селекцион белгилардан бўлиб, у қоракўл қўзилар тери сифати билан боғлангандир.

2. Жун қопламининг ранги тим қора қўзилар кўп жиҳатлари билан қора ва қораси етарсиз қўзилардан устун туради. Хусусан бундай қўзилар яхши етилган, жуни ўта ипаксимон, кучли ёлтироқ, қаламгуллари кўп, узун расми аниқ бўлиб, аскарият қисми элита ва 1 класс қўзилар тоифаисга мансубдир.

3. Жун қопламининг ранги қораси етарсиз қўзиларининг тери сифати тим қора ва қора қўзиларникига нисбатан паст бўлади. Хусусан жун қопламининг ранги қораси етарсиз қўзилар орасида, яхши етилмаган, нозик конституциялилар, тери тўқмаси хаддан ташқари юпқа, бўш териси танасига таранг тортилиб турган, жунининг ипаксимонлиги ва ялтироқлиги етарли даражада бўлмаган, мойли тери кам учрайди.

4.Жун қопламининг ранги қораси етарсиз қўзилар орасида калта қаламгул, гулнинг мустаҳкамлигиетарли даражада бўлмаган расми ноаниқ, кавказ ва қовурғасимон барра типларига мансуб бўлган иккинчи классли қўзилар бошқа гуруҳлар орасидагига нисбатан кўпроқ бўлади.

5.Жун қопламининг ранги қора қўзилар кўп жиҳатлари билан тим қора қўзиларга яқин туради. Қора қўзилар орасида мустаҳкам конституцияли, териси танасига эркин тушиб турадиган, жунни нормал ипаксимон, нормал ялтироқ, мойли терли қўзилар кўпроқ учрайди. Бундай қўзиларни гулларининг мустаҳкамлик даражасининг юқорироқ бўлиши билан ҳамда улар орасида жакет барра типидаги биринчи класс қўзиларнинг кўпроқ бўлиши билан фарқ қилади.

6.Қора қоракўл қўзилар жун қоплами рангининг сусайиши, тирик вазнининг пасайишига, конституциянинг нозиклашувига, тери қалинлиги ва



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

толалар узунлигининг камайишига қаламгулларнинг салмоғини пасайишига, гулларнинг эни ва узунлигининг қисқаришига олиб келади. Шунингдек элита ва биринчи классли қўзилар салмоғининг ортишига сабаб бўлади.

7. Тим қора қўзилар терисининг харид нархини 100% га тенг қилиб олсак, қора қўзиларники 94,4% га, қораси етарсиз қўзиларники 83,9% га тўғри келади.

8.Тим қора қўзилар терисининг самарадарлик даражаси 34,4 % , қора қўзиларники 21,7% тўғри келган бўлса, қораси етарсиз қўзиларникидан -6,2% зарар кўрган.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

**Ишлаб чиқаришга амалий таклиф ва тавсиялар.**

1. Хўжаликларида насл учун ўстиришга қолдирилган қора рангли қўчқор қўзиларнинг жун қоплами тим қора рангда бўлиши шарт.

2. Қора рангли қўчқорларни 15-20 кунлигида ва ундан кейинги даврларда қайта баҳолашдан ўтказганда қора ранг ўзгармай узоқ муддат сақланиш даражасига катта этъбор бериш зарур.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.


1. Каримов. И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида ”. Тошкент “Ўзбекистон” 1995 йил

2. Каримов.И.А.“Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш” Тошкент – 1999 йил.

3. Каримов. И.А. “Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Тошкент – “Ўзбекистон” – 2009 йил.

4. Наслчилик туғрисида” ги Давлат конуни. Тошкент. 1995 йил 21 декабр.

5.“Шахсий ёрдамчи. Деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПК-308 сонли қарори. Тошкент 2006 йил 13 март.

6. Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш хамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси президентининг ПК-842 сонли қарори. Тошкент 2008 йил 21 апрел.

7.Арсланова М.Х. «Вопросы пигментации каракульских ягнят» Труды ВНИИК. Ташкент, 1976,

8.Валиев Р.Г. «Заничение формы и типа завитков в селекции каракульских овец» Технология производства продукции каракулеводства. Москва «Колос» 1974

9.Васин Б.Н. «Наследовввание проложительности эмбринального разития и усанавление связи между числом дней отнощения и качеством смушка» В.кн. Селекция каракульских овец. М., Советская Азия 1993.

10.Васин Б.Н. «Цеветной каракуль» -М: межнародная кинига. 1968.




PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

11. Васин Б.Н. и др «Руководство по каракулводсту» М. «Колос»1971. 21.Воробьевский А.П. «Некоторые вопросы механизма изменения и развитиякаракульских завитков» в кинига конференции молодых учённых по с/х Узбекистон 1990. Ташкент.

12. Воробьевский А.П. и др «Эпр-спекрометрическая оценка содержания меланина в шерсти каракульких янгнят и овец» с/х биология М.Колос 1980.

13.Газиев А. ва бошкалар. «Кора рангли қоракўл қўйлари селекцияси самарадорлигини ошириш усуллари».(Услубий кўргазмалар). Самарқанд. 2001.

14.Ғиёсов М.А. ва бошқалар. «Қоракўлчиликда селекция ютуқларини апробациядан ўтказиш бўйича Низом». Тошкент.2001.

15.Гигинейшвили Н.С. «Племнная работа в цветном каракулводстве» М.Клос, 1976.

16. Дыячков И.Н., Зокиров М.Д. Письменная Р.Т. « Методика изучения качества каракуля» Турды ВНИИК, Т.13. Самарканд. 1963.

17. Дыячков И.Н. «Длина волоса каракулских ягнят внешний признак в селекционной работы» Туруды ВНИИК, Т.18. Самарканд. 1980.

18 Дыячков И.Н. «Племменое дело в каракулским овцеводстве» Тошкент.Изд-ве «Фан» 1980.

19.Елмесов К.Е. «К вопросу создания стада каракульских овец с ребристым завитков» в совхозе «Тасты», ВКИ: Проблемы гаистини и в кракулеводстве. Агмоты «Кайнар» 2000.

20. Зокиров М.Д., Хамрокулов Д.Ю., Ширинбоев Ш.Ш., «Коракулчилик» Т. «Укитувчи». 1983.

21. Зокиров М.Д., Каримов К.К. «Смушковедение» Тошкент 1987.

22. Зокиров М.Д., Атамуродов К.А., Ҳайдаров Я.Х. “Ҳайвонлар хом-ашёси товаршунослик” Тошкент 1999.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

23. Ибрагимов А. “Ценные заводиские типы каракулских овец сур» В кн: Тезисы докладов конфренции по вопросам каракулводство,. Самарканд, 1999.

24.Инаятов А.И., Рахимов Д.А.,Валиев Р.Г. «Содержание меланина в волосе каракульских ягнят и активность некоторых ферментов крови». «Каракулеводство» Сборных научных трудов ВНИИК,вып. XII.Т., 1981

25.Инаятов А.И. «Сравнительная оценка методов определения в волоса каракульских ягнят» В кн: Каракулеводство. Вып.Х.Ташкент, 1986.

26.Инаятов А.И. «Содержание меланина и физика механические свойства волоса окраски и приосхождения» Автореф.дис.соисканные ученный степени. Конд.с/х наук. Дубровины. Москва 1986.

27.Искандаров М.А. «Научные основы товароведения шкурок каракуля» В кн: Каракулеводство. Сборник научных трудов ВНИИК. Вып.XI.Ташкент, 1980.

28.Искандаров М.А. «Пути улучения качества каракуля» Ж. Овецеводство, 1989, №4,

29.Искандаров М.Ш., Турсунов Ш. «Заготовки и переработка продукция каракулеводства рыночных условиях». Қоракўлчилик ва чўл озиқа ишлаб чикариш технологияси. ЎзКИИТИ илмий мақолалар тўплами. Самарканд 2001.

30. Ролдугина Н.П. «Морфогенез пингмента у позвоночных» Самарканд 1984.

31.Ролдугина Н.П. «Особенности пигментации волосяного покрова каракульских янгят различых окрасе» Труды ВНИИК,том 13, 1963.

32. Ролдугина Н.П. «Качества каракульских сумушков разных окрасок в связи с интенсивностью пингменттации волосяного покрова» Труды ВНИИК,том 16, 1964.

33.Фищинко О.П «К вопросу о морфогенезе пингмента каракульских овец» в кн: Труды ВНИИК, том 19,  1989,



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

34.Умирзаков Т.У. «Изменчивость признаков и селекция каракульских овец» Афтореф.дисс.док.с/х.наук.06.02.01.Дубровицы Москва. 1989.

35. Юсупов С.Ю., Исмоилов А.И., Рахимов А.А. “Қоракўлчилик” Тошкент. “Меҳнат” 1996.

36. Юсупов С.Ю., Рўзимуротов Р.Х. “Қоракўлчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси” Самарқанд 1995,



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

# Каракулеводство

Подраздел: Статьи об Узбекистане | Узбекистан
Страницы: 1



Узбекистан занимает ведущее место в мире по производству каракуля. Каракульская порода была выведена сотни лет назад на пустынных кызылкумских пастбищах вокруг Кара-Куля (в переводе «Черного озера»).

Впервые тюркское слово «каракуль» упоминает в 978 году арабский историк Ибн-Хаукаль. А спустя 300 лет венецианский путешественник и купец Марко Поло восторгался оригинальными узорами каракуля. Бухарские и хивинские купцы торговали в XVII веках каракулевым сырьем на рынках в Нижнем Новгороде и Твери. А в XIX веке бухарский каракуль пользовался огромным спросом на международных пушных аукционах Европы и Америки.

До начала XX века правители Бухары сохраняли монополию на производство и экспорт своего золотого руна – через Иран или приволжский город Астрахань. Отсюда и пошли западные названия каракуля – «персидский ягненок» и «астрахан». Но в 1907 году последний бухарский эмир сделал необдуманный подарок британскому послу - стадо каракульских овечек, и англичане незамедлительно вывезли их в Намибию, откуда пошло новое направление в каракулеводстве - производство намибийского каракуля, получившее название «свакара» – то есть аббревиатура South-West African KARAkul, в переводе означавший каракуль из юго-западной Африки.

В 1920 году последний эмир Бухары бежал от большевиков в Афганистан, забрав с собой лучшие отары. Тем самым в Афганистане также начали выделывать каракуль. Афганистан стал ведущим производителем каракуля, хотя афганские шкурки проигрывали изысканным и разнообразным узбекским прототипам.

Узбекский каракуль называют тонким как замша и мягким как бархат. В советское время под маркой BUHARA KARAKUL каракулеводство стало основным направлением экономики. Каракуль составлял 40 % всего экспорта. Получение цветного каракуля было одним из направлений племенной работы во всех странах. Перед производителями каракуля была поставлена задача в получении различных цветов.

Самый распространенный цвет каракуля – это черный. Особенной ценностью в черном окрасе является узор. По сравнению с черным каракулем рисунок серого более простой, но отличается игрой цвета. В зависимости от соотношения количества черных и белых волосков, возможно получение палитры цветов от светло-серо-голубого до черного с седым оттенком.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

Наличие в сером каракуле небольшого количества коричневых волосков, придает шкурке красивый сиреневый оттенок. Такой сорт каракуля называют "гулигаз" (в переводе с узбекского - "цветок тамариска"). Серый каракуль является прекрасным материалом для окрашивания, т.к. нейтрально-серый не дает цветовых искажений. Серый каракуль был получен во всех странах, но особенных успехов производители достигли в Афганистане, где доля такого каракуля может достигать 60%.



Коричневый каракуль относится к редким цветам и не часто используется в натуральном виде. К проблемам его подбора по завитку добавляется большой спектр расцветок: от шоколадного до бежевого, от рыжего до холодно-палевого. Самым ценным сортом коричневого каракуля является "сур", у которого интенсивность цвета меняется по длине волоса: у корня - темнее, на концах - светлее. Самый редкий цвет каракуля - белый. Лучших результатов по качеству и количеству достигли только в Намибии. Белая свакара имеет чистый, молочный цвет.

Сейчас Узбекистан – второй в мире производитель каракуля после Афганистана. Селекционеры Узбекистана сделали ставку на легкий и тонкий каракуль так называемого жакетного типа, у которого тугие завитки образовывали трубчатые вальки разной длины по всей площади шкуры. На мировом рынке растет спрос на высококачественный узбекский каракуль и производимую из него продукцию.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com